

Bizning bosh maqsadimiz — umumiy sa'y-harakatlarimiz bilan Markaziy Osiyoni barqaror, iqtisodiy rivojlangan va yuksak taraqqiy etgan mintaqaga aylantirishdan iborat.

Shavkat MIRZIYOYEV



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 15-noyabr, chorshanba № 91 (9052)

САМИМИЙ МУЛОҚОТ, МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК, АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Самарқандда “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтди.



INTERNATIONAL CONFERENCE ON SECURITY AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT IN CENTRAL ASIA
SAMARKAND 2017

Анжуманнинг иккинчи куни иштирокчилар “Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш” ҳамда “Барқарор тараққиётга таҳдидларга қарши курашишда халқаро ҳамжамиятнинг Марказий Осиё мамлакатларига кўмаги” мавзуларидаги шўъба мажлисларида долзарб маърузалари билан қатнашди.

Халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар вакиллари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг конференцияда сўзлаган нутқида билдирилган фикрлар, илгари сурилган ташаббусларнинг амалга оширилиши Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, минтақа давлатлари тараққиётига хизмат қилишини таъкидлади.

— Марказий Осиё давлатлари бугунги кунда ўзаро ҳамда МДХ, ШХТ каби халқаро тузилмалар доирасида кўп томонлама ҳамкорлик қилиб келмоқда, — дейди МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев. — Бу минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, мамлакатлар иқтисоди-

ёти ривожига ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев илгари сурган ташаббус — Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг доимий маслаҳатлашувларини йўлга қўйиш эса бу алоқаларни янада кенг кўламда давом эттириш ва ривожлантириш имконини беради. Самарқандда ўтказилган мазкур халқаро конференция бу борада муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин. Икки кун давомида минтақа давлатлари ташқи ишлар вазирлари, халқаро ташкилотлар вакиллари биргаликда Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, транзит-логистика тармоғини кенгайтириш, сув ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш, умумий хавф ва таҳдидларга қарши биргаликда курашиш масалаларини атрофлича муҳокама этди. Бу албатта, минтақа давлатларининг тарихан қарор топган қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва истиқболли мақсадлари рўйбга чиқишига ёрдам беради.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ САМАРҚАНДА БЎЛИБ ЎТган ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқандда бўлиб ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилинмоқда. Уларда қайд этилишича, давлатимиз раҳбари томонидан конференцияда илгари сурилган ташаббуслар Марказий Осиёда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

ШХТ котибияти расмий сайти (sectsco.org) Шавкат Мирзиёевнинг куйидаги сўзларига алоҳида эътибор қаратган: «Минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Амалий ҳамкорликка тайёрлик ва унга астойдил интилиш, шунингдек, барча Марказий Осиё мамлакатларининг умумий келажак учун масъулиятни ҳис этиши минтақанинг барқарор ривожланиши ва фаровонлигининг мустаҳкам пойдевори ва кафолатидир».

Интернет нашрида, шунингдек, Ўзбекистон Президенти «хавфсизликка таҳдидларни “ўзиники ва ўзгаларники” деб ажратишдан воз кечиш»га ишонч билдирган ҳолда, ушбу соҳада ШХТ доирасида ва БМТнинг мувофиқлаштиришда туган ўрнига таянган ҳолда «минтақавий тузилмалар механизмлари доирасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш»га чорлагани қайд этилган.

Россиянинг «Спутник» янгиларлик портали (sputniknews-uz.com) Шавкат Мирзиёев халқаро конференция иштирокчилари ва меҳмонларни қутлаб, Ўзбекистон бахсли масалаларни тезроқ ҳал қилиш ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидлагани хусусида ёзади.

«Спутник» Ўзбекистон Президентининг куйидаги сўзларини келтиради: «Давлатларимиз айнан яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, хавфсизлик ва барқарорлик масалаларида ўз салоҳиятини янада самарали амалга ошира олади. Ишончим комил, бундан барча — Марказий Осиё давлатлари ҳам, бошқа мамлакатлар ҳам бирдек манфаат кўради».

(Давоми 3-бетда.)

Мақтабингиз мавсумга шайми?

Ўқувчилик пайтларимни эсласам, кўз олдимда 33 нафар кишлоқ боласини бағрига сиғдирган синфхонамиз гавдаланади. Киш кунлари синфхонанинг ўртасига ўрнатилган печка мўриси бошимиз оша деразадан чиқиб турарди. Устозимиз «пуф-пуфлаб» ёққан тарашанинг чирсиллаб ёнишини эсласам, ҳозир ҳам танамга илиқлик югуради. Бу илиқликни ҳис этиш учун ҳаммамиз печка атрофида йиғилишимизга тўғри келарди. Олов авжига чиқач хонанинг ҳарорати ёз жазирамасидан-да зиёда бўларди. Бироқ бу кўпга чўзилмас, икки-уч соатда синфимиз тагин совиб, қўлимиз рўчани ушломмайдиган даражада увишиб қоларди. Оёқларимиз музлаб, совуқ миямизни ҳам қотириб қўйгандек, ҳарчанд уринмайлик, диққатимизни бир ерга жамлолмасдик. Мехрибон муаллимимиз ичи ачиб турса-да, ҳеч нарса қилолмасди. Чунки ёқиш учун бир кунга мўлжаллаб берилган ўтин тугаб қолган бўларди...

(Давоми 5-бетда.)

Овулда замонавий таълим маскани

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус тумани «Саманбой» овул фуқаролар йиғини худудида янги бунёд этилган 4-умумтаълим мактаби жорий ўқув йили бошида фойдаланишга топширилди.

200 га яқин ўқувчини бағрига олган маюссасида замонавий шароитлар яратилган. Синфхоналар, лаборатория, компьютер хоналари зарур ўқув жиҳозлари ва кўргазмаларни қуроллар билан таъминланган. Фан ва спорт йўналишидаги 20 дан зиёд тўғарақда ўқувчилар дарсдан ташқари бўш вақтини мазмунли ўтказмоқда.

М.ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.



Мосиф Гофман формуласи:
кўриш ва эшитиш, англаш уйғунлиги

6-бет

ОҚСАРОЙ
(Ислом Каримов ҳайкали олдида кечган ўйлар)

8-9-бетлар

Сиз томоша залидасиз...

11-бет

САМИМИЙ МУЛОҚОТ, МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК, АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Марказий Осиё давлатлари ўз мустақил тараққиёт йўлига эга, — дейди АҚШ давлат котибининг Афғонистон ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси ўринбосари Генри Эншер. — Қисқа фурсат — 25 йил ичида бу давлатлар ҳақон ҳамжамиятида ўз ўрнини топиб, ривожланиш сари дадил одимламоқда. Ушбу мамлакатларнинг Марказий Осиёда тинчлик-барқарорликни сақлаш, глобал муаммоларга қарши биргаликда курашишга интилаётгани гоят қувонарли. Бу борада Ўзбекистон Президенти томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ҳамда мазкур конференцияда билдирилган ташаббус ва гоёлар алоҳида аҳамиятга эга. Икки кун давомида минтақа давлатлари ташқи ишлар вазирлари ва бошқа сиёсий, иқтисодий доиралар вакиллари мазкур ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлади.

Шўба мажлислари тугагач, халқаро форум яқунлари бўйича ташкилотчиларнинг хулосалари баён этилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ шафелигида ташкил этилган халқаро анжуман ҳар томонлама фойдали мулоқотларга бой бўлганини таъкидлади. Унда 20 дан ортиқ давлат, 10 дан зиёд халқаро ташкилот вакиллари, жумладан, Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари фаол иштирок этгани қайд этилди. Анжуман давомида 70 дан ортиқ маъруза тингланди. Бу чиқишларда минтақа мамлакатлари ўртасида иқтисодиёт, транспорт, маданий-гуманитар, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш, сув-энергетика ресурсларидан биргаликда оқилона фойдаланиш, юзага келиши мумкин бўлган хавф ва таҳдидларга қарши ҳамкорликда курашиш, қўшни Афғо-

нистонда тинчлик ўрнатиш юзасидан муҳим тақлифлар билдирилди.

Анжуман қатнашчилари Президент Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган Марказий Осиё давлатлари ўртасида аҳил қўшничилик ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, минтақа давлатлари раҳбарларининг доимий маслаҳатлашувларини ўтказиш ва бошқа ташаббусларни қўллаб-қувватлади. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё

да тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, давлатлар ўртасидаги яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашда тарихий аҳамият касб этишини таъкидлади. Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирларининг чиқишлари, ўзаро мулоқотлар мамлакатларнинг бир-бирига ишончини мустаҳкамлаб, келгуси ҳамкорлик алоқаларини янги суръатда давом эттиришга жўшқин руҳ берди.

БМТнинг наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари Ашита Миттал анжуман юқори савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик изҳор этди. Ушбу халқаро форум минтақа давлатларининг ҳудудда осойишталикни таъминлаш, наркотрафик, одам савдоси ва бошқа глобал муаммоларга қарши курашиш борасидаги қарашлари муштарак эканини яна бир бор намоён қилганини қайд этди. Конференцияда муҳокама этилган масалалар, билдирилган тақлиф ва ташаббуслар келгуси мулоқотларга асос бўлиши, минтақа давлатларининг бу интилишлари БМТнинг барча тузилмалари томонидан қўллаб-қувватланишини билдирди.

Халқаро анжуман яқунлари бўйича матбуот анжумани ўтказилиб, оммавий ахборот воситалари вакиллари қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Конференция қатнашчилари Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар ва диққатга сазовор жойларни томоша қилди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири



минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир махсус резолюциясини қабул қилиш тўғрисидаги тақлиф маъқулланди.

Халқаро конференция яқуни бўйича коммюнике қабул қилинди. БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман мазкур халқаро конференция минтақа-



ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ шафелигида ташкил этилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференция самарали бўлди.

ЎЗА мухбири халқаро форум қатнашчиларининг фикрлари билан қизиқди.

Нихат ЗЕЙБЕКЧИ, Туркия Республикаси иқтисодиёт вазири:

— Туркия Марказий Осиё давлатлари томонидан илгари суриллаётган ташаббусларни қўллаб-қувватлайди. Кейинги йилларда минтақадаги мамлакатлар билан транспорт-логистика соҳасидаги алоқаларнинг ривожланиб бораётгани давлатларимиз иқтисодий тараққиётга хизмат қилмоқда. Биз, Марказий Осиё давлатларини Европа билан боғловчи муҳим кўприк сифатида қадимий Буюк ипак йўлининг қайта тикланишидан манфаатдоримиз. Бу борада айна пайтда Марказий Осиё давлатлари ва Хитой томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган транспорт коридори бўйича лойиҳада иштирок этишга тайёримиз.

Самарқандда ташкил этилган халқаро форум нafaқат минтақа мамлакатлари хавфсизлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга хизмат қилади, балки ушбу давлатларнинг дунё халқлари билан иқтисодий интеграциясини янада кучайтиришга кенг имконият яратди.

Муҳаммад Жавад ЗАРИФ, Эрон Ислам Республикаси ташқи ишлар вазири:

— Бугун тез ўзгараётган дунёда хавфсизлик ва

барқарорликни таъминлаш энг муҳим масала ҳисобланади. Ҳар бир давлат ушбу йўналишда ўзига хос ички ва ташқи сиёсат юритади. Шу билан бирга бу борада қўшни мамлакатлар билан ўзаро яқин ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ҳар томонлама фойдали бўлиши шубҳасиз.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатларининг ушбу мақсад йўлида ҳамжихатликда зарур чоратadbирларни кўраётгани эътиборга молик. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бу борада баён этган тақлиф ва ташаббусларини барча давлатлар қўллаб-қувватламоқда.

Эрлан АБДИЛДАЕВ, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири:

— Давлатларимиз раҳбарларининг саяб-харақатлари билан кейинги пайтда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги яхши қўшничилик алоқалари мустаҳкамланиб, янги босқичда давом этмоқда. Буни барча соҳалардаги ҳамкорлик ривожланиб бораётгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Қадимий Самарқандда бўлиб ўтган ушбу халқаро конференция терроризм, диний экстремизм ва гиёҳвандликка қарши бирга кураш олиб боришимиз, бу борада ҳаракатларимизни мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Марказий Осиё давлатларининг яқдиллиги минтақада хавфсизликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Халқларимизнинг буюк тарихи бор. Қуриллаётган келажак ҳам албатта буюк бўлади.

Сироҳиддин АСЛОВ, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири:

— Ушбу халқаро конференция Марказий Осиё минтақасидаги долзарб масалаларни ҳал этишда

муҳим қадам бўлди, десак янглишмаймиз. Сабаби, дунё хавфсизлигига таҳдид қилаётган терроризм балоси минтақамизга ҳам хавф солмоқда. Шунинг учун аввалдан бундай хавфларнинг олдини олиш чораларини кўриш, бу борада ҳамкорликда иш олиб бориш барча давлатлар учун манфаатли бўлиши шубҳасиз.

Қўшни Афғонистондаги нотинчлик минтақамиздаги давлатлар ва халқлар осойишталигига таҳдид сифатида барчамизни ташвиш солиди. Ушбу мамлакатда барқарорликка эришиш борасида биз ҳам ҳамкорликда иш олиб боришимиз лозим.

Рашид МЕРЕДОВ, Туркменистон ташқи ишлар вазири:

— Самарқандда ташкил этилган ушбу халқаро конференция Марказий Осиё давлатларининг ҳар жабҳада ҳамфикр, минтақадаги мавжуд муаммоларни ҳамжихат ҳал қила олишини дунёга кўрсатди.

Минтақадаги давлатлараро муаммолар бўлмаслиги, айниқса, хавфсизлик масаласида барчамизнинг яқдиллигини тараққиётга хизмат қилади. Шунингдек, минтақадаги Евроосиё транспорт коридорини ривожлантириш Европа ва Осиёни бир-бирига боғлашда муҳим омил бўлади. Албатта, бунинг учун минтақада терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик каби турли таҳдидларнинг олдини олиш, хавфсизликни таъминлаш лозим. Самарқанд конференцияси айнан шу масалалар муҳокамасига қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

ЎЗА мухбири
Ғолиб ҲАСАНОВ
ёзиб олди.

2017-yil 15-noyabr, № 91 (9052)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ САМАРҚАНДДА БЎЛИБ ЎТГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Президенти ҳамкорлигининг минтақалараро механизмларини мустақамлаш ташаббуси билан қилди. Нашр давлатимиз раҳбарининг куйидаги сўзларини келтиради: «Минтақалараро ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Шу муносабат билан Марказий Осиё давлатларининг ҳудудлар раҳбарлари (ҳокимлари) бизнес ҳамжамиятининг ассоциациясини таъсис этишни таклиф қиламан. Ушбу механизмлар бутун Марказий Осиёда барқарор ривожланишни таъминлаган ҳолда, мамлакатларимиз ҳудудларининг саноат, инвестиция ва интеллектуал соҳалардаги салоҳиятини тўла ишга солиш имконини беришига ишонаман».

Қозоғистоннинг «Казинформ» ахборот агентлиги (kaznews.kz) Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё мамлакатларига Транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича умумминтақавий дастур ишлаб чиқиш ва қабул қилишни таклиф этгани ҳақида ёзган.

Интернет наشري, шунингдек, Ўзбекистон Президенти минтақанинг транзит-логистика салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ва транспорт инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш истиқболларини қайд этганига алоҳида ургу беради.

«Казинформ» Шавкат Мирзиёевнинг куйидаги сўзларини келтиради: «БМТ экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги самарали кооперация алоқалари 10 йил мобайнида минтақавий ялпи ички маҳсулотни камда икки баробар ошириш имконини берган бўлар эди».

Қозоғистоннинг «24KZ» телеканали (24.kz) Президентимизнинг Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий форумини ташкил этиш, минтақа мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада

кенгайтириш зарурлиги ҳақидаги ташаббуси ўта муҳим эканини таъкидлаган.

«Оддий ва очик инсоний мулоқот — минтақада дўстлик, ҳамжихатлик ва барқарорлик муҳитини мустақамлайдиган энг ишончли усулдир, дея таъкидлади Президент Шавкат Мирзиёев», деб хабар беради телеканал.

МДХ Ижроия кўмитаси расмий сайти (cis-minsk.by) да МДХ Ижроия кўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедевнинг бугунги кунда Марказий Осиёда интеграциялашув жараёнларини мустақамлаш ва ривожлантириш учун янги имкониятлар очилаётгани ҳақидаги фикри баён этилган. Унинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг минтақа давлатлари билан ҳамкорликини мустақамлаш ва ривожлантириш, барча муаммолари масалаларда оқилона муроасага эришиш, барқарор ривожланиш учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратишга қаратилган ташқи иқтисодий сиёсати ҳам бунга хизмат қилмоқда.

Интернет нашрида баён этилишича, С.Лебедев Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида мамлакат ташқи сиёсатининг устувор жиҳатларини қайд этиб, ўткир минтақавий ва глобал муаммолар, шунингдек, уларни бартараф этиш йўллари хусусида батафсил тўхталиб ўтгани, Марказий Осиёда халқаро мулоқот ва ҳамкорликнинг изчил маконини яратиш йўллари баён этганини эслатиб ўтган.

Ҳиндистоннинг «DNA» ахборот агентлиги (dnaindia.com) диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш муаммоси Ҳиндистон учун ҳам долзарб аҳамият қасб этишини қайд этган. Шавкат Мирзиёев экстремизм ҳамда диний матнларнинг нотўғри талқин қилинишига қарши самарали интеллектуал воситалар этирдамида курашишни таъминлаш мақсадида Самарқандда ташкил этилаётган

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкентда ташкил этилаётган Исломи цивилизацияси маркази ҳақида маълумот берган.

Интернет наشري Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Ҳиндистон учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканини қайд этган, чунки Ҳиндистоннинг диний ўқув муассасаларидаги аксарият диний матнлар ва ўқув режалари Имом Бухорийнинг илмий ишларига асосланган.

«DNA» Шавкат Мирзиёевнинг куйидаги сўзларига кўзгайдиغان ва унга қўмақлашадиган сабаб ва омилларга биргаликда барҳам бермоғимиз, умумминтақавий устувор манфаатларни инобатга олиш асосида миллий ривожланишни таъминламоғимиз зарур». Ўзбекистон раҳбари минтақада барқарор ва изчил тараққиётнинг истиқболлари кўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатиш билан ҳам чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлаган.

Ахборот агентлиги Ўзбекистон Президенти нутқидан: «биринчи галда ёшларни илм-маърифатга ўргатиш, уларга ислом динини инсонпарварлик моҳияти, ислом маданиятининг асл қадриятларини етказиш экстремизмга қарши курашишни энг самарали воситаси ҳисобланади. Бу борада биз Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкентда Исломи цивилизацияси марказини ташкил этишга қарор қилдик», деган иқтибосни келтирган.

Шунингдек, Ҳиндистоннинг Россиядаги солиқ дипломатик вакили Ашок Мукержининг Марказий Осиёнинг бағрикенглик тамоғиларига асосланган ислом динининг бой қадрият-

лари Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ҳиндистон билан муносабатларини миллий муштараклики мустақамлашда алоҳида аҳамият қасб этиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлари келтирилган. «Ушбу мерос ҳадисларга тартиб бериш бўйича Имом Бухорийнинг Марказий Осиё илоҳиёт илмида тутган мақоми, жумладан, Беруний, Форобий, Улугбек сингари буюк олимлар ҳамда сўфийлик таълимотининг етук намояндлари Аҳмад Яссавий ва Баҳроуддин Нақшбандий илмий ва гуманитар ҳисса-си билан белгиланади», деб таъкидлайди Ҳиндистонлик дипломат.

Россиянинг «Спутник» янгиликлар портали (sputniknews-uz.com) Самарқандда бўлиб ўтган ва 500 дан ортик иштирокчи қатнашган конференция ишини юқори баҳолади: «Тадбирда Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари, МДХ, Европа, Осиё ва Америка давлатларининг расмий делегациялари, 10 дан зиёд халқаро ташкилот, жумладан, БМТ, ЕИ, ЕХҲТ, ШХТ, МДХ, ЕТБТ вакиллари, 100 га яқин нуфузли халқаро экспертлар, етакчи хорижий ОАВ вакиллари ҳамда Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди».

Американинг «Дипломат» наشري (thediplomat.com) 10 ноябрь кун дунёнинг турли мамлакатлари делегациялари хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича минтақавий конференцияда иштирок этиш учун Буюк ипақ йўлининг юраги — азиям Самарқандда тўпланди, деб таъкидлайди.

Унда ёзилишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ягона тарих ва умумий келажак» номли конференция мавзусини баён этиб, ўзининг Марказий Осиёдаги аҳолиси энг зич жойлашган давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг биринчи йилининг устувор йўналиш-

лари — яқин кўшничлик ва иқтисодий тараққиёт ҳақида сўзлаб берди.

Мазкур анжуманининг ўтказилиши Ўзбекистон раҳбариятининг очик ташқи сиёсат юритиш борасидаги қатъиятини яққол намойён этди. Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи ишлар вакиллари ҳамкорликини мустақамлаш бўйича таклифлар ҳамда ўзаро манфаатли, барқарор тараққиёт йўлидаги интилишларни қўллаб-қувватлади.

Киргизистоннинг «Кабар» ахборот агентлиги (kabar.kg) ушбу форум Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессияси минбаридан туриб илгари сурилган ва Марказий Осиёда хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликини мустақамлашга қаратилган ташаббусларини амалга ошириш бўйича муҳим қадамлардан бири бўлди, деб ёзади.

Тожикистоннинг «Азия-Плюс» ахборот агентлиги (asiaplus.tj) ёзишича, Самарқанд конференциясининг ўтказилиши унинг иштирокчиларига минтақа хавфсизлиги ва тараққиётининг долзарб масалалари хусусида фикр алмашиш, уларни самарали бартараф этиш йўллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди. Форум иштирокчиларига Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, сарможий алоқалар, транспорт-коммуникация, сув-энергетика, экология ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликини ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва ҳамкор давлатларнинг минтақа мамлакатларининг глобал таҳдид ва хатарларга қарши курашиш борасидаги салоҳиятини юксалтириш бўйича минтақавий лойиҳаларни амалга оширишга қўмақлашишда тутган ўрнини муҳокама этишга хизмат қилди.

ЎЗА

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида 16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик кунини муносабати билан «Диний бағрикенглик: кеча, бугун, эртага» мавзусида интеллектуал беша шув бўлиб ўтди. Унда иқтидорли талабалар, ёш тадқиқотчилардан таркиб топган жамоалар иштирок этди.

Мамлакатимизда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини юксалтириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжихатлигини, фуқаролар тотувлигини таъминлаш, хорижий мамлакатлар билан дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларини мустақамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги таъкидланди.

Бош қосумисиди — Конституция-мизнинг 31-моддасида ҳамма учун

виждон эркинлиги кафолатлангани белгилаб қўйилган.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ён-атрофимизда хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничлиги муҳитини ривожлантириш, юртимизнинг халқаро нуфузини мустақамлаш маса-



16-noyabr — Xalqaro bag'rikenglik kuni

лаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, миллатлараро муносабатлар ривожидида янги босқич бошланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 19 майдаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мазкур устувор вазифаларни амалга ошириш, бу борадаги стратегик мақсадларга эришишда муҳим ҳуқуқий

асос бўлиб хизмат қилаётди.

Жамоалар чиқишларида ана шу ислохотлар мазмун-моҳияти тушунириб берилди. Юртимизда аҳил ва иноқ яшаётган 130 дан ортик миллион ва элат, 16 диний конфессия вакиллари ягона мақсад — мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги юксалишида ҳамжихат бўлиб меҳнат қилаётгани акс эттирилди.

М. ҚОСИМОВА,
ЎЗА мухбири

Ҳуқуқий таълим: халқаро стандартлар ва миллий амалиёт

Наманганда «Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш ҳуқуқи: халқаро стандартлар ва миллий амалиёт» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларидан давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари, журналистлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгашлари аъзолари иштирок этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий тарғиботни

амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш, ахборотдан кенг фойдаланишни таъминлаш, қонун ҳужжатлари моҳияти ва аҳамияти тўғрисида ижрочилар ва аҳолини кенг хабардор қилиш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Президентимизнинг 2017 йил 8 февралдаги "Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

— Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш кўп жиҳатдан ҳуқуқий таълимнинг му-

вафқиятли амалга оширишга боғлиқ, — дейди Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов. — Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилувчи 80 дан ортиқ халқаро шартномаларни имзолади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани, жинси, irqи, миллати, тили, дини, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури тўғрисида"ги қарори асосида бугунги кунда таълим муассасаларида ёш авлодга за-

рар ҳуқуқий сабоқ берилмоқда, ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш мақсадида тадбирлар, турли кўрик-танлов ва фан олимпиадалари ўтказилмоқда.

Давра суҳбатининг дастлабки кунида мавзуга доир маърузалар тингланиб, видеороликлар намойиш этилди. Хусусан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича халқаро мажбуриятларнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан бажарилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни йўлга қўйишда Франция тажрибаси, ЕХХТ фаолиятида инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устуворлигини рағбатлантириш, инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий таълим тизими шаклланишининг конституцийий-ҳуқуқий

асослари, жиноятчиликнинг олдини олишда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг роли, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича прокуратура органлари фаолияти ва вазифаларига бағишланган маърузалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонаси, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишда намунали иш олиб бораётган Наманган шаҳар ички ишлар бошқармасининг 53-таънақ пункти фаолияти билан танишди.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Х.Бозоров сўзга чиқди.

А.САТТОРОВ,
ЎзА мухбири

Тошкентда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзбекнефтгаз" миллий ҳолдинг компанияси, "Lukoil" компанияси (Россия), И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ҳамкорлигида ўтказилган халқаро анжуман нефть-газ соҳасидаги йирик халқаро компанияларга юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш масаласига бағишланди. Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, дипломатик корпус ва хорижий компаниялар вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Юқори малакали кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик

Президентимизнинг шу йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш ҳамда узлуксизликни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Тадбирда таъкидланганидек, нефть-газ sanoatiда кадрларни соҳа эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда мақсадли тайёрлаш, олий таълим мазмунини бевосита корхоналардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш, битирувчиларни эгаллаш касби ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу йил 28 июнь кuni Россиянинг "Lukoil" компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилган эди, — дейди компаниянинг персонални бошқариш ва ташкилий тараққиёт бўйича вице-президенти Анатолий Москаленко. — Учрашувда узок муддатли ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Юртингизда салоҳиятли кадрлар тайёрлашга қаратилган юксак эътибор туфайли айни кунда И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали, Тошкент давлат техника университети, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, Тошкент кимё-технология институти, Бухоро муҳандислик технология институти каби олий таълим муассасалари билан кўплаб йўналишларда мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Жумладан, талабалар, амалиётчилар, ёш мутахассислар билан учрашувлар ўтказилмоқ-

да. Компания томонидан sanoat объектларида талабалар малакавий амалиёти, ёш ходим ва мутахассислар стажировкалари, маъруза ва семинарлар ташкил этилапти. Ёш мутахассислар кенгаши фаолият кўрсатмоқда. И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида айни пайтда 46 нафар талаба мақсадли тайёрланмоқда. Филиалнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича комплекс дастур тасдиқланган. Бухоро нефть ва газ sanoati касбунаар коллежида ўтган йилги электрон таълим кабинетлари ташкил этилди. Жаҳоннинг етакчи нефть-газ компанияларидан бири бўлган "Lukoil" томонидан "Хавзак", "Шоди" ва Жануби-ғарбий Хисор нефть-газконденсат конларининг ўзлаштирилиши янги иш ўринлари яратилиши ҳамда таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг янада ривожланишига хизмат қилади.

Конференцияда олий таълим муассасалари, нефть-газ соҳасида фаолият юритаётган компания ва фирмалар раҳбарлари, мутахассисларнинг ҳамкорлик, кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишда корпоратив таълим марказларининг ўрни мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Тадбир доирасида "Lukoil Uzbekistan Operating Company" масъулияти чекланган жамияти, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ҳамда "Башнефтехим" таълим маркази ўртасида масофавий таълим технологияларини жорий этиш бўйича уч томонлама битим имзоланди. Таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга хисса қўшаётган таълим муассасалари ва корхоналарни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Санобар ЖУМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Болангиз учун масъулсиз

Оилада фарзанд туғилиши қувончли воқеа бўлиши билан бирга ота-она зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди. Бош қомусимизда эътироф этилганидек, ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуларига қадар боқishi ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Буни чуқур англаб, боласини рисоладагидек вояга етказганлар роҳатини кўради. Лекин орамизда бундай масъулиятдан мусово одамлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, эр ва хотин ажрашиб кетса, фарзанд тақдирини кўп ҳолларда аянчли кечди. Айримлар алимент тўлаш билан зиммасидаги масъулиятни бажаргандек бўлади. Аммо болага зарур бўлган ота меҳри, маънавий қўллаб-қувватлаш унут бўлиб бораверади. Янада аянчлиси, алиментдан бўйин товлаш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Бу, ўз боласининг ризкига хиёнат эмасми?

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси иш юритувида алимент ва даврий тўловларни ундириш бўйича жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 24 мингдан зиёд ижро ҳужжати мавжуд бўлган. Алимент қарзидан бўйин товланган 24 шахсга нисбатан қидирув эълон қилинган.

Миллий матбуот марказида "Бола ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида" мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди. Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари масъул ходимлари, 22-Мехрибонлик уйи вакиллари иштирок этди.

— Аждодларимиз азалдан oilани муқаддас билиб, уни авайлаб-асрашга ҳаракат қилган, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова. — Бундай қадриятларни қадрлаш ва давом эттириш, ёшлар онига чуқур сингдириш даркор. Таассуфки, ёшлар орасида қадриятларга беписандлик, катталарга қулоқ солиш ўрнига уларни менсимаслик каби тақабурлик ҳолатлари учраб туради. Айниқса, oilа кураётган йигит ва қизлар сал ўтмай аримас сабаблар билан ажралишга қарор қилади. Ана шундай ёшлар билан давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида бевосита иш олиб боришга ҳаракат қилаймиз. Натижада oilавий ажралишлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 мингга камайишига эришилди.

Жиноят ишлари бўйича Яққасарой тумани суди судьяси Аҳорр Хошим-

жоновиинг айтишича, ота-она вояга етмаган фарзандларини тарбиялаш, таълим бериш ва моддий таъминлаш шарт. Ушбу мажбуриятни ихтиёрий равишда бажармаганларга нисбатан суд қарори ёки бўйруғига асосан алимент ундириш белгиланади. Жиноят кодексида эса вояга етмаган болаларга таъминот беришдан бўйин товланган, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида қабул қилинган суднинг ҳал қилув қарорини уч ойдан ортиқ муддат мобайнида бажармаган ота-оналар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур судда фарзанд олдидаги мажбуриятни бажармаганлик билан боғлиқ беш юздан зиёд иш кўрилган. 32 шахсга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнида юзага келаётган муаммоларни жойида бартараф этиш чораларини кўриш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар, мажбурий ижро бюроси, бандлик, маҳалла, ёшлар ташкилотлари ҳамкорлигида "Суд қарорларини ижро қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни янада кучайтириш тўғрисида"ги қўшма фармойиш қабул қилинган.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида суд қарорларини ижро этиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни янада кучайтириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар дастури тасдиқланган. Шу асосда алиментларни тўлашдан бўйин товлаб келаётган қарздорлар билан мунтазам равишда жамоатчилик ўртасида муҳокама ўтказиш амалиёти йўлга қўйилган. Бу таъсирчан механизм амалда ўз самарасини бериб, кўпчиликнинг бола олдидаги масъулияти ошишига қўмақлашмоқда.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

2017-yil 15-noyabr, № 91 (9052)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Уттиз йиллар бурунги мактаб манзарасини бугунгиси билан қиёслаб кўрамани, фарзандларимизнинг нақадар юксак эътибор ва ғамхўрлик қуршовида таълим-тарбия олаётганидан қувониб кетаман. Дарҳақиқат, таълим муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш айти пайтда энг муҳим вазифалардан. Ҳўш, Бухоро вилоятида бу жараён қандай кечяпти?

— Туманимиздаги 65 та таълим муассасасида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 415 миллион сўм ажратилган, — дейди Вобкент тумани халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Ботир Ҳасанов. — Ушбу маблағлар эвазига 10 та қозонхона

он сўмга таъмирланган эди. Айти пайтда уларнинг ҳолати ўрганилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди. 21 тонна кўмир захираси жамгарилди.

Мактаб ҳудудини айланар эканмиз, кўнгилни хира қилувчи айрим манзараларга ҳам дуч келдик. Йўлакда ўрнатилган электор шити хавфсизлик қоидаларига зид ҳолда очик турибди. Айрим хоналарда ёритиш мосламалари йўқ, электор ўтказгичлар химояланмаган. Айтиқса, нурхонага менгзаладиган кутубхона ачинарли ахволда. Муголаа хонасида ёритиш тизими ишламайди, жавондаги китоблар, газета ва журналлар чанг босиб, тартибсиз ётибди. Дарсликлар сақланадиган хона

рат метр ҳажмдаги ойналари алмаштирилди. Аммо совуқ об-ҳаво мавсуми бошланиши билан муаммолар кўзга ташланмоқда.

Шароф Рашидов туманидаги 39-мактабда 300 нафардан ортик ўқувчи таҳсил олади. Мактаб биноси асосан табиий газ ва кўмир билан иситишга мослаштирилган. Хоналарга бир маромда иссиқлик етказиб бериш учун 4 та қозонхона ўрнатилган. Ҳозиргача 20 тонна кўмир келтирилди. Бу қиш мавсумидан чиқишга етарли эмас. Яна 10 тонна брикет келтирилиши лозим. Бироқ қиш мавсуми яқинлашиб қолган бўлса-да, ҳануз брикет келтирилмаган.

— Утган йили қишда анча қийналганмиз, — дейди мактаб директо-


Hozirlik — huzurlik

Қиш-қировли кунлар яқинлашмоқда. Буни яхши англаган қашқадарёлик таълим мутасаддилари ҳам мавсумга пухта ҳозирлик кўришди. Қосон туманида 99 та мактаб, 38 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та «Баркамол авлод» болалар маркази фаолият олиб боради. Ўқув муассасаларида куз-қиш мавсумини намунали ўтказиш учун 1218 тонна кўмир ёқилгиси, 675 тонна брикет жамғариш кўзда тутилган.

Жарқун қишлоғидаги 81-мактабга режадаги 14 тонна кўмир келтирилиб, махсус хонада сақланмоқда.

— Мактабимиз 2015 йилда капитал таъмирдан чиқарилганлиги боис қиш кунлари иситиш тизимида муаммога дуч келмаймиз, — дейди мактаб директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Хайрулла Холиқов. — Капитал таъмирдан сўнг синфхоналарга пластик эшик ва ромлар ўрнатилди. Янги ўқув йили олдидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини поёнига етказиб қўйган эдик. Ўқув биносининг том қисми, эшик, ромлар, иситиш тизими қозонхоналарини кўздан кечириб, керакли жойларда энгил таъмирлаш ишларини олиб бордик. Қозонхоналар юқори босим остида ювилиб, мавсумга шай ҳолга келтирилди.

Туманининг Сурхон қишлоғидаги 24-мактабда ҳам куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилган. Дераза тирқишлари беркитилиб, иссиқликни сақлаш чоралари кўрилган. Режадаги кўмир ёқилгиси жамғарилган.

Афсуски, Чироқчи маҳалласида жойлашган 66-мактабда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмаган. 12 тонна кўмир ёқилгисининг бир қисми очик майдонда сочилиб ётибди. Ачинарлиси, синфхоналар мавсумга тайёрланмаган. Бешта иситиш қозонхонасининг бирортаси ҳам таъмирланмаган. Темир қувурлар химоя воситаси билан қопланмаган. Аксарият синфхоналарнинг дераза ойналари синган, очик қисми эса қоғоз билан ёпилган.

Мактабнинг 2-синф ўқувчилари айтишича, синфхонадаги иситиш тизими ишламаслиги сабабли қиш фасли яқинлашганча, маҳаллий печ ўрнатилар экан. Бунинг учун эса синф раҳбари ўқувчилардан 6 минг сўмдан пул йиғиб оларкан.

Синфхона дераза тирқишлари ҳамон махсус воситалар билан қопланмаган. Бу ишлар учун маъсул бўлган мактаб директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Нормамад Қудратовни иш жойидан тополмадик. Мактаб директори Мавжуда Зубайдова эса бу ҳолатга аниқ жавоб бера олмади.

Туман халқ таълими бўлими ходими Бахтиёр Рўзимуродовнинг айтишича, мавсумга тайёргарлик ишлари 15 ноябрдан сўнг амалга оширилиб, синфхоналарга печкалар ўрнатилар экан. Савол тугилади: шу кунгача бажарилмаган ишни қисқа фурсатда тугатиш мумкинми? Ахир совуқ кунлар қачон тайёр бўлишимизни кутиб турмайди-ку.

Ирода ОРИПОВА,
Абдусаттор СОДИКОВ,
Ўктам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбирлари

Мактаббингиз мавсумга шайми?

таъмирланиб, 26 та қозон алмаштирилди. 210 погонometr ички, 76 погонometr ташқи иситиш тизими таъмирланди, 106 погонometr иссиқлик трассаси изоляцияланди. Биноларнинг таъмирталаб 161 квадрат метр том қисми, 95 квадрат метр синган ойналари ҳам янгиланди. Табиий газ билан таъминланмаган ҳудудларда жойлашган таълим муассасалари учун 448,7 минг тонна кўмир ва брикет ёқилгиси жамгарилди.

36-мактаб туманининг энг чекка Элач қишлоғида жойлашган. 2006 йилда барпо этилган 210 ўринли бу мўъжаз ва шинам даргоҳда 120 нафар ўқувчи таҳсил олади.

— Марказдан анча олисда бўлса-да, мактабимизда барча шароитлар яратилган, — дейди мактаб директори Воҳид Ҳалимов. — Жорий йилда иситиш тизими тўла янгиланди. «Абдуғани-Шоҳруҳбек-буюк истиқбол қурувчи» маъсулияти чекланган жамияти 70 миллион сўмлик таъмирлаш ишларини олиб борди. Кўмир, ўтин, табиий газга мослаштирилган 2 та қозонхонага эга бўлдик.

Тумандаги 2-мактабда ҳам куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилди. Илм масканининг барча хоналари жорий таъмирланди. Деворлар, поллар бўялди. Иситиш тизимидаги камчиликлар бартараф этилди. 16 метр газ қувури ва 2 та батарея алмаштирилди. Масканнинг тоза-озодлиги, синфхоналар ва фан кабинетларининг дид билан безатилгани, ҳар бир жиҳоздан самарали фойдаланилаётгани педагогик жамонинг фаолияти ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришига ҳам ижобий таъсир ўтказмоқда.

Туман рейтингига энг юқори ўринлардан бирини эгаллаб турган 1-мактабда ҳам тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек бажарилганини мактаб директори Ўктам Бобоқулов алоҳида эътироф этди.

— Куз-қиш мавсумига ҳозирлик кўриш бўйича мактабда ишчи гуруҳи ташкил этилган эди, — дейди у.

— Муассасамиз ҳудудида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ўқув биноси ва синфхоналар бўялди, синган дераза ойналари алмаштирилди, мактаб атрофи тартибга келтирилди. Айтиқса, иссиқлик тизимининг тўла таъмирлангани мавсумни хотиржам ўтказишимизни кафолатлайди. 2016 йилда мавжуд 6 та қозонхона 200 милли-



эса қоғоз ва бошқа чиқиндиларга тўлиб-тошган...

Тумандаги 25-мактабда ҳам шу каби нохуш манзарага гувоҳ бўлдик. Жорий йилда қарийб бир миллиард сўмлик маблағ ҳисобига капитал таъмирдан чиқарилган мактабнинг олд кўриниши кишида ижобий таассурот уйғотади. Аммо бинонинг ён томонларига назар солсангиз, бу кўринишнинг алдамчи эканига амин бўласиз. Номигагина шувалган бўёқ остидан деворнинг эски қатлами кўриниб турибди. Бинонинг бир қисми таъмирланмаган, иситиш тизими ҳам йўқ, Ҳолбуки, бу томонда жойлашган 7 та синфда 200 нафардан ортик ўқувчи таҳсил оляпти. Мактаб директори Зебо Ҳакимова бу ҳолатни бинонинг маъмур қисмини таъмирлаш Инвестиция дастурига киритилмагани билан изоҳлади.

рининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Эркин Янгибоев. — Табиий газ босими паст бўлгани сабабли хоналар яхши исимади. Кўмир ҳам мавсумга аранг етди. Бу йил ҳам шу каби камчиликлар яна такрорланмаслиги учун зарур чораларни кўрялмиз.

Мактабда мавсумга тайёргарликни назорат қилувчи махсус гуруҳ тузилган бўлса-да, фаолияти қониқарли деб бўлмади. Хўжалик ишлари бўйича мудири Файрат Юсупов кунига қанча кўмир сарфланиши бўйича аниқ маълумотга эга эмас. Аксарият синфхоналарнинг деразаси ёғочдан. Ойналаридан совуқ кирмаслиги чоралари кўрилмаган. Қишнинг совуқ кунлари хоналарда ҳарорат кескин пасайиб кетиши тайин.

Зарбдор туманидаги 12-мактабда ҳам 227 нафар ўқувчи таҳсил олади. Мактаб биноси 17 та синфхона ва фан кабинетларидан иборат. Мактабда 6 та қозонхона бўлиб, бино кўмир ёрдамида иситилди. Бунинг учун 22 тонна кўмир келтирилган. Режадаги 16 тонна брикет ҳануз етиб келмаган. Мактаб маъмурияти ҳар эҳти молга қарши қаттиқ ўтин жамгармоқда.

Тумандаги 21 та таълим муассасасига жами 518 тонна кўмир маъсулоти етказиб бериш кўзда тутилган. Ҳозиргача 309 тонна брикет келтирилди. 206 тонна брикет келтириш кечикмоқда. 7-, 14-, 19- мактаблар ҳамда 3-, 10-, 12-, 13-МТМларда ичимлик суви йўқ.

Зарбдор тумандаги 21 та таълим муассасасига жами 518 тонна кўмир маъсулоти етказиб бериш кўзда тутилган. Ҳозиргача 309 тонна кўмир жойларга тарқатилган. 206 тонна брикет келтириш кечикмоқда. 7-, 14-, 19- мактаблар ҳамда 3-, 10-, 12-, 13-МТМларда ичимлик суви йўқ.

Жиззах вилоятидаги таълим муассасаларида ҳам куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда. 4 та мактаб, 16 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та махсус мактаб-интернат капитал, 14 та мактаб, 15 та мактабгача таълим муассасаси жорий таъмирланди. Таълим муассасаларининг 496 квад-

Ёш авлодни тарбиялашда мусиқа маданиятининг ўрни бекидс. Мусиқа болани гўзалликка, эзуликка етаклайди. Давлат таълим стандартларида ўқувчилар «Мусиқа маданияти» фанига оид билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари учун асосий фаолият турлари белгиланган бўлиб, булар — мусиқа тинглаш, жамоа бўлиб куйлаш, мусиқа саводи, мусиқа ижодкорлиги кабиларни ўз ичига олади.

Айниқса, жамоа бўлиб куйлашни ҳар томонлама тақомиллаштириб, бойитиб бориш ҳар бир мусиқа маданияти фани ўқитувчисининг муҳим вазифасидир. Бугунги кунда мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари янгича кўриниш касб этиб, моддий-техник базаси янгиланаётган бир паллада устозлар ҳам билим ва малакаларини ошириб боришлари мақсадга мувофиқдир. Зеро, таълим — тўхтовсиз ривожланиб турадиган жараён. Болаларга мусиқий таълим-тарбия бериш усуллари ҳам замонавий тарзда олиб борилиши керак. Дарсда қатнашаётган ҳар бир боланинг индивидуал қобилиятдан келиб чиқиб ёндашиш жоиз. Дарс учун ажратилган қирқ беш дақиқа вақт қай даража унумли ташкил этилса, бунинг натижаси ўқувчиларнинг эгаллаган билим ва кўникмаларида намён бўлади. Ўқитувчининг кичик бир хатоси ҳам қанчадан-қанча келажакка қўйилаётган қадамлар шаштини сўсайтириши мумкин.

Кўп ҳолларда мусиқа маданияти дарсларида муаллимнинг болалар билан овоз созлаш машқларини бажармай туриб, янги қўшиқни ўргатиши кўзга ташланади. Бир қарашда ҳеч қандай аҳамият касб этмайдиган бу ҳолат келажакда ана шу ўқувчиларнинг овоз пайчалари шикастланиши, бунинг натижасида эса боланинг

батамом гапира олмай қолиши каби хавфли ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин. Ўқитувчининг болалар овоз имкониятларию мутация жараёнлари ҳақида ҳеч қандай билимга эга бўлмай туриб мусиқа маданиятидан сабоқ бериши катта хатоликлар

машқида фойдаланиш тавсия этилади. Бу машқни бошланғич синфларда қўллаш мақсадга мувофиқ. Мазкур жараёнда овозни пастдан юқорига кўтариб куйлаш малакасига эришилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу машқ овоз артикуляциясини ривожлантиришда ижобий натижа беради.

Ўқитувчи болаларнинг куйлашда йўл кўяётган хатоларини тўғрилашга қийналса, албатта, мусиқа ва санъат мактабларида вокал мутахассисларининг дарсини кузатиш орқали камчиликларини

брни ҳис этиш орқали мусиқадаги бир қатор белгиларни ва ўзгаришларни англайди. Шунингдек, ўқитувчи куйнинг қайси тоналликда ёзилганлиги ҳақида маълумот беради. Мисол учун, Иосиф Говманнинг (композитор) «Кўраман-эшитаман» формуласи асосида «Баҳор вальси» (М.Мирзаев) мусиқасини олайлик. Бунда баҳор — янгиланиш, яшариш фасли, мўл-қўлчилик рамзи эканлиги, тўкин дастурхон атрофида кексаю ёш сумалак тановул қилиб, бир-бирини байрам билан табрик-



Metodik tavsiya

эканлигини ўқитувчи унутмаслиги керак. Айниқса, хотира билан боғлиқ муаммолар вужудга келса ёки янги билимларни ўзлаштиришга қийналса, боланинг руҳиятида бўшлиқ пайдо бўлади. Шу ўринда ажойиб бир синалган усулни тавсия қилиш мумкин. Масалан, Наврўз байрами ҳақида болаларга қўшиқ ўргатиш керак бўлса, мавзуга доир кўзгазмали қуроллардан кенг фойдаланиш лозим. Сумалак сайли, гуллаган дов-дарахтлар тасвирланган манзарали суратларни яхши кўринадиган жойларга жойлаштириш керак. Шунда болалар расмларга қараб, эпизодик хотира тури ёрдамида қўшиқ матнини тезда ёд олади. Бу хотира тури ёрдамида бола қўшиқ матнида акс этган сўзларни расмлар орқали англаб, уни моддийлаштиради.

Ахборотни қабул қилишнинг визуал тури ҳам кенг имкониятлар яратди. Боланинг кўз орқали қабул қилинган маълумотларни эслаб қолиш имконияти — хотирасини шакллантириб, ривожлантиради. Агар бола эшитганларини ёдлаб қолишга қийналса, у ҳолда унинг кўз хотираси яхши ривожланган бўлиши мумкинлигини асло унутмаслик керак. Хотира ҳар бир инсонда турлича ривожланади. Шунинг учун устозлар сергакроқ ва билимлироқ бўлса, кўзланган натижага осон эришилади.

Улугбек
МИРЗААХМЕДОВ,
Бўстонлик туманидаги
2-мактабнинг «Мусиқа
маданияти» фани
ўқитувчиси

Иосиф Говман формуласи:

кўриш ва эшитиш, англаш уйғунлиги

келтириб чиқаради. Баъзи педагоглар болаларга жамоа бўлиб куйлашни ўргатишда қийинчиликларга дуч келмоқда. Бунга сабаб нима? Сиз бу, албатта, ўқитувчининг билими ёки ўқувчининг ўзлаштиришига боғлиқ дейишингиз мумкин. Эҳтимол, қайсидир маънода тўғридир. Лекин ҳар бир педагог ўз устида ишлаши, янгилек яратиши, дарсга болаларни қизиқтира олиши лозим. Мусиқа маданияти фани ўқитувчилари белгиланган асосий фаолият турларини яхши ўзлаштириш билан бирга, мустақил ижод қилиши керак. У дарс жараёнида ўқувчиларда жамоа бўлиб куйлаш борасида учрайдиган камчиликларни осон йўл билан бартараф этиб, дарсни интерфаол усулда ташкил этиши даркор. Кичик диапазонда куйланадиган машқларни бажаришга мўлжалланган тезайтишлардан овоз созлаш

бартараф этиш йўллари билан олса бўлади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Кўпинча мусиқа маданияти дарсида ўтилган мавзунинг ўқувчилар навбатини дақиқлаш қисман ёки умуман айта олмайдилар. Чунки мавзу уларнинг хотирасидан кўтарилади. Устознинг мусиқа психологиясидан беҳабарлиги бу муаммони келтириб чиқаради. Ўтилган мавзулар боланинг ёдидан кўтарилаётган экан, демак, психологияга мурожаат қилиш керак. Бунда ҳолларини мустақамлаш билан боғлиқ баъзи усуллари келтириб ўтаимиз.

Мусиқа эшитиш қобилияти мутлақ, нисбий ва ички эшитиш турларини ўз ичига олади. Ички эшитишда ўқувчи мусиқанинг бутун таркибий қисмини расмлар орқали хаёлан тасаввур қилади. Бу мусиқий хотиранинг ишлашини таъминлайди. Бола қуйдаги ритм, тем-

лаши, боғ-роғларда довдарахтлар гуллаши, қизларнинг гулчамбарлар тақиб, шукроналик қўшиқларини куйлаши тасвирланган. Куй ре-минор тоналлигида, кувноқ ҳолда ёзилган. Мазкур куй ўқувчиларга расмлар ифодаси орқали қўйиб эшиттирилади. Ушбу формула орқали ўқитувчи ўтган дарсдаги вазифани сўраса, албатта, ижобий натижага эришади.

Шуни эсда тутиш керакки, бир синфда жам бўлган болаларнинг ҳар бири турли хил оилада тарбия топади. Уларнинг ўй-қарашлари, фикру хаёллари турфа хил. Муаммо ва ютуқлари ҳам бир-бириникидан фарқ қилади. Шундай экан, дарс вақтида ҳар бир боланинг ички хусусиятларини инобатга олиш керак. Тўғри, келажакда уларнинг ҳаммаси ҳам санъат соҳасини танламайди, бироқ умумий билимларни эгаллаши шарт

Қизиқарли географик ўйинлар

ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатади

Эшитишда нуқсон билан болалар таълим муассасаларида география дарсларини ўқитишда муайян мақсадлар кўзда тутиллади. Жумладан, ўқувчилар машгулотларда табиат қонуниятлари, Ватанимиз харитаси ҳамда дунё сиёсий харитаси билан танишиши керак. Айниқса, одамларнинг ҳўжалик фаолияти, яшаш тарзи ва давлатимиз иқтисодиёти бўйича чуқур билимга эга бўлиши лозим.


Махсус мактабларда барча фанлар учун мавзуга оид кўзгазмали қуроллардан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Масалан, география майдончасини олайлик. У очик табиатдаги майдонча ҳисобланиб, турли кузатувлар олиб бориш, амалий ишларни ташкил қилиш, жумладан, қўшнинг ҳаракатланишини кузатиш, кун давомида ва мавсумий банд-

лигини аниқлаш мумкин. Шунингдек, географик майдончада ўқувчилар икким ўзгаришини кузатиб, шамол йўналиши ва кучини ҳамда ёгин миқдорини аниқлайди.

География фанини чуқур ўргатишда ўйинларнинг аҳамияти катта. Фанга доир ўйинларни ҳар бир мавзу учун алоҳида тайёрлаш мумкин. Турли ноанъанавий усуллар ўқувчиларнинг харитани ўрганиши, географик номларни, яъни қитъа, материк, океан, денгиз, дарё ва давлатлар номларини ўзлаштиришда ёрдам беради.

Мисол тариқасида «Эйтиборни жамлаш» ўйинини кўриб чиқайлик. Бунда ўқувчиларга ўтган ва янги мавзуга оид сўзлар икки устунда бериллади. Сўзлар бир-бирига маъно жиҳатдан мос келишига қараб чиқиқлар орқали боғланади. Ўқувчилар ушбу боғланган сўзлар орқали гап тузади. Ўз навбатида, сўзларни тўғри талаффуз қилишни ўрганади.

«Эйтиборни жамлаш» ўйини



Куйдаги ўйин орқали ўқувчилар атлас ва харитадан фойдаланиб, ўлка, табиий географик район, материк, давлатлар чегарасини аниқлашни ўрганади ҳамда олган билимини мустақамлайди.



Maxsus ta'lim

Географик диктант ёрдамида ўқувчиларни мавзуга оид атамаларни тўғри жойлаштиришга ўргатиш, болаларнинг ёзма ва оғзак нутқини ривожлантириш имкони пайдо бўлади.

Масалан, қуйдаги гапларни мавзуга оид лугат сўзлардан фойдаланиб тўлдиринг:

1. Ўзбекистон Урта Осиёнинг марказий қисмида, асосан ... билан... орасида жойлашган.

2. Ўзбекистоннинг энг шимоллий нуқтаси ... платосининг шимол-шарқида бўлиб, 45°31' шимоллий кенгликдадир.

3. Энг жанубий нуқтаси ... шаҳри ёнида, ... қирғоғида бўлиб, 37°11' шимоллий кенгликдадир.

4. Энг гарбий нуқтаси ... платоси, энг шарқий нуқтаси эса ... водийсининг шарқий қисмида бўлиб, 37°10' шарқий узунликдадир.

Лугат сўзлар: Амударё, Сирдарё, Устюрт, Термиз, Фарғона.

Зарифа МАНСУРОВА,
Кармана туманидаги 25-махсус мактаб-интернатнинг география фани ўқитувчиси

2017-yil 15-noyabr, № 91 (9052)

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 25 yilligi oldidan

Хорижга чиқиш учун биометрик паспорт

юртимизда миграция жараёнини соддалаштиради

Бундан бир неча ой бурун Ички ишлар вазирлиги маданият саройида ИИВ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ташкил этган очиқ мулоқотда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг 400 дан ортмиқ аҳолиси ўзини қийнаётган савол ва муаммоларга ечим топиш мақсадида иштирок этди.

Эътиборимизни тортган ҳолатлардан бири муружатлар орасида чет элга вақтинчалик чиқиш тартибига доир саволлар кўпчилиги бўлди. Шу боис мазкур соҳадаги янгиликлар хусусида ИИВ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиги Бадриддин Шорихсиев батафсил маълумот берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда 2017 йил 11 июлдаги «Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида қатор ташкилий ва амалий ишлар қилинди.

Хусусан, фуқаролик паспортини расмийлаштириш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган жазони енгиллаштириш мақсадида (жорий йилнинг 13 июнида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган

деб топиш тўғрисида»ги қонуннинг 13-модда 10-банди) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-модда биринчи қисмининг санкциясидаги «уч баравари миқдорида» деган сўзлар «иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда» тарзидаги жумлалар билан алмаштирилиб, амалиётга татбиқ этилаётгани эътиборга молик.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 16 августдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони мувофиқ, 2019 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон фуқаросининг чет элга вақтинчалик чиқиш учун рухсатнома (стикер) олиш тартиби ўрнига янги дизайндаги 48 саҳифали биометрик паспортни жорий этиш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. Ушбу ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган мақсад аҳолига янада қулайлик яратиш, давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида юрдошларимизнинг паспорт назора-

тидан ўтишини соддалаштириш, ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддатини узайтириш, уни тайёрлаш муддатини қисқартириш ҳамда чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда бюрократик тўсиқ ва коррупция ҳолатларини бартараф этишдан иборат.

Ички ишлар вазирлиги миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (МФР) бош бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон билан виза режими ўрнатилган давлатларга чиқишни режалаштираётган юртимиз фуқароларига хорижга чиқиш учун биометрик паспорт (ХЧУБП) берилади. 2021 йилнинг 1 январигача визасиз режим ўрнатилган мамлакатлар (Россия Федерацияси, Арманистон, Озарбойжон, Беларус, Қозғоғистон, Молдова, Украина ва Грузия)га 2011 йилги намунадаги (амалдаги) биометрик паспорт билан чиқиш мумкин.

Яна шунинг таъкидлаш хорижи, республикамизнинг хорижда бўлиб турган фуқаролари амалдаги биометрик паспортдан унинг амал қилиш муддати тугагунга қадар фойдаланиши мумкин. Ушбу фармонга кўра, энди:

— фуқароларни қабул қилиш ва ХЧУБП олиш ҳужжатларини расмийлаштириш ишларини юртимиз ҳудудида ИИВнинг МФР бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлиналари, мамлакатимиз ташқарисида эса республикамизнинг чет элга ваколатли идоралари амалга оширади;

— ХЧУБПни расмийлаштириш ва бериш муддати за-

Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 28-модда).

монавий ахборот технологиялари жорий этилиши инновация олиниб, 15 иш кундан 10 иш кунига қисқартирилади;

— халқаро тажрибага мувофиқ, Ўзбекистон фуқаросининг ХЧУБП амал қилиш муддати воғга етмаганлар учун 5 йил, 16 ёшдан катта шахслар учун 10 йилни ташкил этади;

— аҳолига электрон ариза тақдим этиш, электрон навбат, давлат боқини электрон тўлов тизими орқали амалга ошириш каби интерфаол хизматлар кўламини кенгайтириш, шунингдек, ҳужжатнинг тайёрлигини текшириш бўйича махсус хизматлардан фойдаланган ҳолда ҳужжатни бериш тартиби белгиланади;

— МФР шахар ва туман бўлиналарининг вазифалари кенгайтирилиши муносабати билан фуқаролар ХЧУБП олиш ҳақидаги аризани доимий яшаш жойидаги ана шу бўлиналарга тақдим этиши мумкин. Айни пайтда бу вазифа МФР вилоят бошқармалари зиммасига юклатилган;

— ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида «Электрон ҳуқумат» тизими имкониятлари орқали бarcha керакли маълумотномаларни олиш имкониятини ўзида жамлаган «ягона дарча» тизимидан фойдаланилади;

— жорий этилаётган паспортнинг таннархи ва биометрик паспорт тизимига техник хизмат кўрсатиш зарурлигидан келиб чиқиб, аҳолига мазкур ҳужжатларни бериш бўйича давлат боқини тегишли миқдори белгиланади.

— Кейинги йилларда мам-

лакатимизда замонавий инновация технологиялар асосида тайёрланган биометрик паспорт тизимини жорий этиш фуқароларни Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) тавсиялари ва халқаро стандартларга мос келадиган биометрик ҳужжат билан таъминлаш имконини берди.

2014 йили мамлакатимизнинг ИКАОнинг тегишли ахборот ресурсларга қўшилиши ваколатли давлат органларига давлат чегарасидан ўтиш пунктларида хорижий давлатларнинг биометрик ҳужжатлари ҳақиқийлигини автоматик тарзда текшириш имкониятини яратди.

Фармон ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси, турли вазирлик ва идораларга Ўзбекистон фуқаросининг ХЧУБП Давлат стандартини тасдиқлаш, мамлакатимизда паспорт тизими ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисида янги таҳрирдаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш, муомалага киритишга қадар Ўзбекистон фуқаросининг ХЧУБП ва 2011 йилги намунадаги биометрик паспортнинг амал қилиш муддати ҳақида Халқаро фуқаро авиацияси, Халқаро стандартлаштириш ташкилотлари ва хорижий мамлакатлар ҳуқуматини ўрнатилган тартибда хабардор қилиш, 2019 йилнинг 1 январидан фуқароларнинг мазкур фармон талабларига мувофиқ хорижга чиқишини назорат қилишни таъминлаш каби қатор вазифалар юклатилган.

«Ma'rifat» мухбири
Дилшод РЎЗИҚУЛОВ
ёзиб олди.

Мамлакатимизда 130 дан ортмиқ миллият ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ истиқомат қилмоқда. Бу ҳамжиҳатликнинг асоси, аввало, юртимизда бошқа миллият ва элатларнинг урф-одат ва аъналари, қадриятларини давом эттириб, фарзандларига ҳам ўргатиши учун бarcha шарт-шароитлар яратилаётганидир. Республикаимиз таълим муассасаларида ўқитиш тизими 7 тилда олиб борилаётгани ҳам фикримиз далилидир.

— Мамлакатимизда 16 конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этапти. Ундан ортмиқ тилларда газета ва журналлар чоп этилаётми. 1992 йили Ўзбекистонда турли миллият ва элатларнинг 10 та миллий маданий маркази фаолият юритган бўлса, бугун бу рақам 137 тага етди, — дейди Республика қозоқ миллий маданий маркази раиси Серикбай Усенов. — Ўзбекистонда истиқомат қилаётган бarcha миллият ва элат вакиллари ҳурмат қилинаётганини ҳис этиб яшаш, «Шу серкўёш

ўлка Ватаним», дея чин юракдан севиб, ардоқлаши учун замин яратилган. Давлатимизнинг энг юксак мукофоти «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланганларнинг 14 нафарини турли миллият вакиллари ташкил этади. Улардан бири — Серикбай Саатов Навоий вилоятининг олис Томди туманида истиқомат қилади. Утган йили унинг хонадонида бўлди. Оға давлатимизнинг бундай эътиборидан жуда мамнун. «Яқинда ҳудуддаги таълим қозоқ тилида олиб бориладиган 8-ҳамда Учқудук туманидаги 2-мактабларга замонавий русумдаги ахборот технологиялари келтирилди. Қишлоқ врачлик пунктлари, мактабга таълим муассасаларида ҳам бarcha шароитлар муҳайё этилган. Бу Ўзбекистонда умргузаронлик қилаётган қозоқ юрдошларимизга кўрсатилаётган ҳурмат намунасидир», дейди у.

2016-2017 йилларда Республика қозоқ миллий маданий маркази ташаббуси билан қозоқ тилида тўрт номдаги китоб чоп этилди. Шунингдек, янги ҳаёт оstonасида турган йигит-қизлар, ёш келинларга мўлжалланган рисолалар нашр этириб, тарқатилляпти. Бундан

мақсад улар қозоқ халқининг урф-одатлари, аъналари, ўналари, миллий таомларини унутмасин. Энди дунёни англаётган болалар она тилларида эртақ эшитиб, жумбоқлар ечимини излаши учун ҳам халқ оғзига иходи намуналари китоб ҳолига келтирилди. Турли байрамлар муносабати билан ташкил этиладиган тадбирлари қозоқ халқининг «Келин салом»лари, «бешбармоқ» сингари миллий таомларсиз ўтмайди.

Дарвоқе, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг чет тили факультетида қозоқ тили ва адабиёти бўлими мавжуд бўлиб, республикамиздаги таълим қозоқ тилида олиб бориладиган муассасалар учун педагоглар тайёрланади. Талабаларнинг олган назарий билимларини амалиётда мустахкамлаши учун пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги 290-мактаб билан иходий ҳамкорлик ўрнатилган. Бу масканда қозоқ ўғил-қизлари ўз она тилида таҳсил олади.

— Университетимиз кутубхонасининг халқимиз тарихи, адабиёти, маданияти ва санъатида доир қозоқ тилидаги турли нашрлар, шунингдек, электрон

манбалар билан таъминлангани нафақат дарсларни мароқли ташкил этиш, балки турли тадбирлар уюштиришда ҳам қўл келмоқда, — дейди педагогика фаnlари номзоди, профессор Ергаш Абдувалитов. — Мазкур адабиётлар орқали ёшларимиз қозоқ халқининг бой ўтмиши, миллий удумлари, ўзига хос фольклор санъати, ҳунармандчилиги, қийин-қошқ маданияти каби қадриятлари билан яқиндан танишади. Ўзбекистонда турли миллият вакилларининг иқтидори, салохиятини намойён этиши, илмий изланишлар олиб бориши учун бarcha имкониятлар яратилган. Масалан, ўзим ана шундай қўллаб-қувватлаш, ғамхўрликлар туфайли қатор дарслик, монографиялар яратди. Устоз сифатида иззат-ҳурмат орттирдим. Ўзбек-қозоқ халқининг бирдарилиги аслар синовида ўтган. Бу қардошлик бугунга келиб давлатимиз раҳбариятининг саяё-ҳаракатлари билан янада мустахкамланаётганидан шу юртининг фуқароси сифатида жуда қувонаман, фахрланаман.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Инсонпарварлик

тинчлик ва тараққиёт таянчидир

Ўқувчим — фахрим

Мактабдаги 25 йиллик фаолиятим давомида ўз фанимдан дарс бериш билан бирга турли синфларга раҳбарлик қилдим. Биласиз, бу анча масъулиятли иш. Агар синфда 30 нафар ўқувчи бўлса, синф раҳбари шунча дунёқараш ва характердаги ўғил-қизлар кўнглига йўл топа олиши керак. Аммо аксарият ҳолларда бу вазифалар юзакми бажарилишига гувоҳ бўламан. Синф раҳбарлари фақат қоғоз тўлдириб, боланинг мактабга келиб-кейтишини текшириб, отоналар билан суҳбатлашишдан нарига ўтишмайди. Аслида бу ишлар ҳар бир ўқитувчининг умумий вазифаси ҳисобланади. Синф раҳбари эса ўқувчи ҳаётида ота, она, опа, ака каби муҳим шахсга айлана олиши шарт. Ўқувчининг феъл-атворини яхши билиш уни болаларга янада яқинлаштиради. Яна бир гап. Мактаб ёшидаги болалар синф раҳбарига идеал инсон сифатида тақлид қилишади. Шундай экан, ўқитувчи уларга ибрат бўлиши керак.

9-синфни битириб, мактабдан учирма бўлган ўқувчиларимнинг кейинги ҳаёти, ютуқ ва камчиликлари мени безътибор қолдирмайди. Чунки уларни ўз фарзандларим каби суюб, ардоқлайман. Улар ҳам доимо мени йўқлаб

туришади. Шунда бу касбни танлаганимдан фахрланиб кетаман. Ўқувчиларимни кўрганда улар билан тенг қувонаман. Ўқувчиларим орасида ҳозирда ноқатта натижаларга эришганлари бор. Мисол учун, бокс бўйича вилоят чемпиони Заҳриддин Тожибоев, ҳаракатли ўйинчоқлар ихтироچиси Абдувоҳид Рустамовнинг келажакда бундан-да баянли марраларни забт этишига ишонаман. Ҳаммасининг синфимдан ўз ўрни бор. Сардорликдан тортиб, саломатлик посбони, деворий газета муҳарриригача ўз ишига масъулият билан ёндашади. Улар учун вазифа — бир-бирини тарбиялаш, ҳушёрлик, соғлиқни асраш, мутолаа, ҳар куни ўз-ўзини тафтиш қилиш. Синфда шундай муҳитни вужудга келтира олиш синф раҳбарининг маҳоратига боғлиқ.

Замира АБДАЗОВА,
Булоқбоши туманидаги
9-мактаб ўқитувчиси

Таълим масканимиз томон яқинлашар эканман, ҳали анча эрта бўлишига қарамай 5-6 боланинг мактаб эшиги олдида турганини кўраман.

— Ичкарига кирмай, нега совуқда турибсизлар, дессам, устозимизни кутяпмиз, дейишади.

Бино ичи бўйлаб йўл оларканман, болаларнинг

шиб оладилар:

— Мен, мен кўтараман.

— Кеча сен кўтардинг, бугун мен.

— Биттасини менга бер.

Муаллим кўзидан қувонч акс этса-да, аммо бугун ҳам болалардан олдинроқ келмаганига, уларни куттириб қўйганигами, бироз андиша билан атрофга қарайди.

бор юқори синфга ўтаётган ўқувчилар томонидан «Устозимиз юқори синфда ҳам бизга синф раҳбарлик қилсин», мазмундаги самимий илтимосларга дуч келганман. Янги ўқув йили бошланса, яна ҳар тонг дераза ортидаги ўша таниш манзарани кузатишга интилавераман. 5-синфга ўтиб, янги синф раҳбари тайинланган

Қандай устоз сеvimли бўлади?

шивир-шивири яна қулоғимга чалинади: «Ана, устоз келаяптилар. Юринглар, чиқиб қўлларидан сумкани олайлик». Юришдан тўхтаману, деразадан завқ билан тикиламан. Устоз ҳали мактаб эшигидан анча йироқда, елкасида сумка, икки қўлида бугунги дарс учун уйда ясаган кўрғазмали қуроллари, ўқувчиларга тавсия қилмоқчи бўлган китоб ва диктант дафтарлари. Ўқувчилар югуриб бориб, муаллим қўлидаги халталарни тала-

Бу манзара умри мактаб билан боғлиқ бўлган инсонларга жуда таниш. Аслида ҳар бир ўқитувчи шундай сеvimли устоз бўлишни истайди. Аммо бунинг учун хоҳишининг ўзи камлик қилади.

Кузатишлар давомида амин бўлдимки, юқоридagi манзара асосан бошланғич синф ўқувчилари ўртасида учрайди. Табиий савол туғилди: юқори синф ўқувчилари нега ўқитувчисининг йўлига бунчалик муштоқ эмас?

Маълумки, 4-синфни битириб, юқори синфга ўтаётган ўқувчиларда бироз ҳаяжон, инжиқлик кузатилади. Чунки илк бор ҳарфларни танитиб, барча эркаликларини кўтариб, онадек меҳрибонлик кўрсатган биринчи устоз билан хайрлашишни исташмайди. Кўн

бўлса-да, ўқувчилар чамасини бир ой биринчи ўқитувчиси томон ошиқади.

Мактабимизда яхши анъана бор. Бирор синф байрам кечаси ташкил қилса, унга албатта бошланғич синф устози тақлид этилади. 5—6-синфларнинг ота-оналар мажлисида ҳам икки устоз қатнашади. Ҳар қандай муаммога шу тарзда ечим топилади. Янги синф раҳбари ҳам ўқувчилар билан илиқ муносабатни тиклаб олади.

М.ЖАЛИЛОВА,
Косонсой туманидаги
11-мактабнинг она тили
ва адабиёт фани
ўқитувчиси



“MA'RIFAT”ga
maktublar

Toshkent shahri
Matbuotchilar ko'chasi 32-uy,
"Ma'rifat" gazetasi tahririyatiga
E-mail: info@marifat.uz

Ёзув инсоният яратган такрорланмас мўъжизалардан бири. Фан-техника ривож топмаган даврда хаттотлиқни касб этган кишиларнинг эл орасида ҳурмати баланд бўлган. «Хуснихат — ярим ризқ» ибораси эҳтимол ўша даврларда пайдо бўлгандир. Ҳозир хаттотлиқ касбига эҳтиёж қолмади. Дастлаб ёзув машиналари яратилди. Кейинчалик компьютер ёрдамида ҳар қандай хунук, тартибсиз ёзувни ҳам кўчириб, бир қоллиғда ва ҳатто безаклар билан ихчам ҳолатга келтириш имконияти туғилди. Бунинг учун ҳарф терувчи тугмаларни босиш ва бошқарув усулларини ўзлаштиришнинг ўзи кифоя.

Компьютер асрида ҳам хуснихат муҳим

Аммо бугунги замонда ҳам ҳар бир шахс ўз қўли билан ёзиб тўлдириб шарт бўлган ҳужжатлар мавжуд. Агар ариза, таржимаи ҳол ва шу турдаги битиклар чиройли хуснихат билан тақдим этилса, хоҳишингизга осон эришасиз. Шу боис, ўқувчиларнинг чиройли ёзишга бўлган ҳаракатларини кўчатириш назаримиздан четда қолмаслиги керак.

Ўқувчи юқори синфга ўтган, унга қўйиладиган талаблар ҳам ошади. Авваллари ўқитувчиларнинг «фалон ўқувчининг қобилияти, билими кучли, лекин ёзуви хунук, шу сабаб ёзган ижодий ёки назорат ишига «аъло» баҳо қўйишга ўйлаб қолмаган», деган гапларини эшитиб қоларди. Бир ўқувчи борасида ана шундай гап кетар экан, масаланинг илдизини бошланғич таълим давриддан излаш керак. Ўқувчилар 1-синфга қабул қилинганда турли феъл-атвор ва психологик темпераментга эга бўлади. Янги муҳитда шаклланган бундай кичик жамоага ҳарф, ўқиш, ҳисоблаш сирларини ўргатишга бошланғич таълим ўқитувчиси масъул. Қўлига ручка ушлаган бола бирдан чиройли ёзганидан бўлиб қолмайди. Маҳоратли устоз сазъ-ҳаракати, ўқувчининг тиришқоқлиги туфайли гўзал хуснихатга эришилади. Буни ўз тажрибамда кўп кузатганман.

Мактабда рус тили ва адабиёт фанидан сабоқ бераман. Шунинг учун бу масала устидан

кўп ўйлайман. Маълумки, мактабларда рус тили фани 2-синфдан ўқитилади. Ўқувчи бир йил олдин «Алифбе»ни ўзлаштирганидек, «Букварь»даги кирилл ҳарфларини ўрганишни бошлайди. Бироқ шу жараёнга қадар ҳам ёзувда синфдошларидан орқада қолган, аниморк изохлайдиган бўлсам, кўзи ва қўли қотган ўқувчига нотаниш кирилл ҳарфларининг хуснихат қоидаларини ўргатиш бироз мушкул.

Болалар табиатан катта ёшдаги ака-опала-

рига тақлид қилиб, узун ҳошия чизикли дафтарга ёзишга интилади. Уларни эркин қўйсангиз, синф ўқувчиларининг умумий ёзув талабига бўлган назорат бой берилади, ижобий натижа олиш қийинлашади.

Ҳар янги ўқув йилида 2-синфлар билан сабоқни бошлашдан аввал ўқувчининг 1-синф давомида тўлдирган она тили дафтарларини бирма-бир текшириб, уларни намунали, яхши, ўрта, қониқарли ва қониқарсиз қисмларга ажратаман. Ота-оналарга ҳеч қайси ўқувчининг шахси айтилмаган ҳолда ёзилган дафтарни бир-бир намойиш қилиб, мақсадимни тушунтираман. Ўзим учун эса қайси ўқувчилар билан кўпроқ ишлаш ҳақида режа тузиб оламан. Йилгилишда ота-оналарга «Хуснихат — Пропись» дафтарини тарғиб қилиб, то 4-синфга бошланғич синф ўқувчилари ёзуви учун ишлаб чиқилган, махсус ёрдамчи чизикли дафтарлардан фойдаланиш ҳамда буни назорат қилиб бориш тақлифини киритаман. 4-синфни тамомлар экан ўқувчиларимга «энди сизлар катта ўқувчисиз» каби рағбат сўзлар билан узун ҳошия чизикли дафтарлардан фойдаланишга руҳлат бераман.

Баҳромжон ЁКУБОВ,
Бўз туманидаги 15-мактабнинг рус тили ва
адабиёт фани ўқитувчиси

Тарози ҳолис баҳосини топди

Физика шундай фанки, уни қизиқарли усулда тўлалигича етказиб бералиган ўқитувчи барча ўқувчининг фаоллигига эришади. Биргина дарсликнинг ўзига таяниб, физик қоидаларини тинмай ёдлатавериш болаларни зериктириб, фанга иштиёқини сувайтиради.

Ўтган дарсда лаборатория иши ўтдик. Ўқувчилар жараёнда тарози билан ишлашнинг тартиб-қоидалари, механизмларини ўрганишди. Уйга вазифа сифатида ота-оналари ёрдамида паллади тарози ясаб келишни топширдим. Бу билан уларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга эришдим. Мана, Лазизбек Исанов ўз тарозисини болаларга кўрсатиб, қандай ясаганини тушунтириб берди. У сўзамол. Камолиддин Билолов эса унинг акси — тортинчоқ. Ҳозир у ҳам ясаган тарозисини намойиш этиб, афзаллигини сўзлаб бериши керак. Аммо тақдирот чоғида Камолиддин табиатидан келиб чиқиб, Лазиздек зўр иштиёқ билан сўзломлади.

Икки ўқувчининг ижод намунасини ҳолис баҳолашим керак. Бунда ўқувчиларнинг фикрини ҳам инобатга олишга бурчлиман. Камолиддиннинг иши Лазизникидан пухта, яхши ишланган. Аммо у Лазизчалик намойиш этолмади. Натижада болалар у ясаган тарозининг имкониятларини тўла тушуниб етишмади. Ушбу жараёнда ўқитувчи қандай йўл тутиши керак? Одилонга йўл тутиб, иккинчи ўқувчинини қўлласам, синфда бироз тушунарсиз вазият вужудга келади. Лазизга яхши баҳо қўйиш эса адолатсизлик. Иккисини бир хил баҳолаш ўқувчиларнинг камчиликларидан кўз юмишдек гап. Шу боис баҳолаш жараёнини дарс якунига қолдириб, машғулоти давом эттирдим. Ўқувчиларни икки гуруҳга бўлиб, ўтилган мавзунини мустаҳкамлади. Сўнг ўқувчилар ясаган икки тарози гуруҳларга навбат билан қўриб чиқиш ва келишган ҳолда баҳолаш учун топширилди. Ўқувчилар ижод намуналарини синчиклаб текширгач, ҳолисона баҳолашди. Икки ўқувчи эса ютуқ ва камчиликларини тушуниб етдилар.

Мунира МАЗГАРОВА,
Яшнобод туманидаги 282-мактабнинг
физика фани ўқитувчиси

2017-yil 15-noyabr, № 91 (9052)

Сиз томоша залидасиз...

Сабоқ

6-синфда ўқирдик. Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси дарсдан сўнг музейга боришимизни айтди. Чапак чалиб юбордик. Бу биз учун кутилмаган «совга». Тушдан сўнг бутун синф Навоий шаҳри марказида жойлашган музейга бордик. Киришдан аввал устоз барчамизга уқтирди: «Ҳар бир экспонатга эътиборли бўлинг. Айтилаётган маълумотларни эсда сақлашга ҳаракат қилинг. Ўзиб олсангиз, янада яхши».

Орадан бир неча кун ўтди. Навбатдаги она тили дарсида кўнграқ чалиниши билан хонага кириб келган устозимиз: «Тайёрланинг, бугун иншо ёзамиз!», деди. Қоралама учун қоғоз оламан деб сумкамга қўл со-

ларканман, бўрнинг тиқир-тиқир овози эшитилди. Беихтиёр доскага ўгирилиб, иншо мавзусини ўқидим, кимдир устимдан бир челақ совуқ сув куйиб юборгандай бўлди: «Музейда олган таассуротларим». Ўша кунни эсладим. Дикқатимни жамламаган эканман. Экскурсоводнинг турли тарихий буюмлар, қўлэмалар ҳақидаги сўзларини умуман эслолмадим. Оббо, энди нима бўлади? Тўғриси айтсам, экскурсияни охирига қўйиб, «қовун туширганмиз». Ерга урса қўкка сапчидиган синфдошлар билан томоша охирига етмасданок жуфтаник ростлаганимизнинг оқибати бу. Муаллимдан эшитган танбеҳим-чи. Қониқарсиз баҳо оладиган бўлдим...

«Сизнинг ишингиз бўлмасин»

Бу воқеани бежиз эсламадим. Маданият масканлари — музей, кино, театр, кўргазма залларида белгиланган тартиб-қоидаларни қўлимча мактаб ўқувчилари бузади. Уларда томошабинлик маданияти суст. Бой ўтмишимиздан гувоҳлик берувчи экспонатлар ва нобб буюмларни кўриш, спектакль ва фильмлардан эстетик завқ, маънавий озуқа олиш, маданий ҳордик чиқариш, уларнинг моҳиятини англашга тиришмайди.

Театрда спектакль пайти пичирлаб гаплашиш, pista чақиш, телефонда мусиқа тинглаш каби хатти-харакатлари билан ҳалақит берган томошабинни тартибга чақирсангиз, шовқин баттар кучаяди. Фақат норо-

зи нигоҳ билан буни англатиш мумкин унга. Мабодо, бунга қаноат қилмай, дашном бериб кўринг-чи.

— Кино залида ўтириб, бир-бири билан баланд овозда гаплашаётган икки дугонани тинчлантиришга уриндим. Бири қўйса, иккинчиси бидиллайди. Охири чидаб туролмадим: «Қизлар, бу ер истироҳат боғи эмаску, тинч ўтириш мумкинми?!». «Билетни пулимизга сотиб олганмиз. Сизнинг ишингиз бўлмасин!», деди ҳалиги дугоналар. Аслида, улардан худди шундай иддао чиқишини билган эканман, — деб ҳикоя қилади ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети деканининг маънавий-маърифий ишлар бўйича муовини Талиб Нажмидинов.

Уялиб қолманг

Бир ўйлаб кўринг, инсон маънавий ва руҳий озуқани қаердан олади? Аждодларга ҳурмат, муносиб авлод бўлмоқ ҳисси қаерда шаклланади? Беадоқ ҳаёт ташвишларини биров бўлса-да унутуш, оила аъзолари билан сайр этишни истганлар қайси масканга боради?

Пойтахтимиздаги 14 маданият ва истироҳат боғи, 37 театр, 25 кинотеатр ва 13 музей ана шу мақсадда бунёд этилган. Хўш, бу масканларга келаётганлар қонун-қоидаларга қай даражада амал қилишмоқда?

— Музейимиз ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари одатдагидан гавжум бўлади, — дейди Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими Мусъсар Исомиддинова. — Шу кунлари музей хизмати бепул. Бу имтиёз ёшларни маданият масканларига янада кўпроқ жалб этиш мақсадида жорий қилинган.

■ **Аммо музей экспонатлари билан танишиш, неча минг йиллик тарихий буюмларни томоша қилиш учун эмас, аксинча раҳбарият томонидан сўралган ҳисобот учун суратга тушиш ва музейга борганини тасдиқлаш учун маълумотнома олгани келган ўқитувчилар ҳам учраб туради.**

Кўпинча устозлари назоратсиз қолдиргач, гуруҳ гала-говури бошқа томошабинлар диққат-эътиборини бўлади. Ходимларимизнинг ўрнатилган тартиб-қоида хусусидаги кўрсатмасига амал қилмайди. «Суратга олиш мумкин эмас» деган ёзув ва белги бор. Чунки суратга олиш мосламасидан чиққан электромаг-

нит тўлқин экспонатларга зарар келтиради.

Бу ҳолат юртимиз таълим муассасаларида «Миллий истиқлол гоёси» туркумидаги фанлар таълими талаб даражасида ташкил этилмаётганидан далолат беради. Қолаверса, синф раҳбарларининг бир ўқув йили мобайнида ўтиладиган тарбиявий соатларида ўқувчининг юриш-туриши, одоб-ахлоқини яхшилаш билан боғлиқ мавзулар тўлақонли очиб берилиши зарур. Учтепа туманидаги 62-мактаб ўқитувчиси Дилбар Умрзоқова ўз фаолиятида бунга жиддий эътибор қаратади:

— 8-синф раҳбариман. 34 нафар ўқувчим билан ҳар ойда пойтахтимиздаги маданият масканларига экскурсия уюштираман. Саёхатдан аввал барча ўқувчиларга жамоат жойларида ўзини қандай тутиши тўғрисида кўрсатма берман. Бир гал 6-синф ўқувчиларини Ўзбекистон тарихи давлат музейига бошлаб бордим. Экспонатларни кўздан кечириш чоғида болакайлар аждодларимиз қиёфаси акс этган витрина ёнида «Бу сенга ўхшаркан, буниси нақ сенинг ўзинг-ку» дея бир-бирини масхараляб, шовқин кўтаришди. «Ўтиш» даврида ўсмирлар қизикқон, ҳеч кимга бўйсунмайди. Зудлик билан майнавозчилик қилган икки ўқувчимни тартибга чақирдим ва ҳар бирига алоҳида-алоҳида топшириқ бердим. Навбатдаги тарбиявий соат дарсига улар «Музейда одоб-ахлоқ қоидалари», «Инсониятнинг қадимий аждодлари» мавзуларида реферат тайёрлаб келди ва мавзунини синфдошларига гапириб берди.

Kuzatuv



Сеансдан кейинги «томоша»

Эътибор берган бўлсангиз, кинотеатр ва кўргазма заллари фойёсига ўрнатилган экран ва баннерларда куйидаги ёзувларни ўқиш мумкин: «Сеанс вақтида шовқин солиш, залга чиқинди ташлаш, мобил телефон, фото ва видео мосламаларидан фойдаланиш қатъий тақиқланади!».

Алишер Навоий номидаги кино саройининг кассалари ёнида худди шундай эслатма осилган. Кино саройи ходимларидан мавжуд тартиб-қоидага қай даражада амал қилинишини сўраганимизда, фильм якунланган, заллардан бирига кириб кўришимиз мумкинлигини айтди... Ўриндиклар устида баклашка ва попкорн идишлари қолган, обқ ости pista пўчоқ, ширинлик қоғозларига тўла,

кўрган кишининг дили хира бўлади. Кинозалдан чиқиш жойида чиқинди учун махсус идиш қўйилган, аммо унга ҳамманинг ҳам «назар» тушавермайди.

— Айрим кино мухлисари янги фильмни бошидан охиригача тасвирга туширгиси келади. Аслида, бу мумкин эмас, — дейди Алишер Навоий номидаги кино саройи ижрочи директори Хусниддин Эргашев. — Чунки бу фильмларнинг ноқонуний равишда тарқалиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Кино саройида қўйиладиган бадиий фильм сеанси дастлаб премьераси сифатида томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинади. Агар у яхши қабул қилинса, оммавий тарзда қўйилиши мумкин. Қолаверса, ҳар бир шинаванд учун кино саройининг тартиб-қоидалари бор.

Ибротхона

Буюк маърифатпарвар Махмудхўжа Бехбудийнинг «Театр — ибротхонадир» деган сўзлари бор. Бу масканга келган киши саҳна асарининг маъини чақайди, хулоса чиқаради. Кинодан фарқли ўларок, театр залларида томошабиннинг белгиланган қоидаларга амал қилмаслиги дилни хуфтон қилади. Томоша залида бирор ҳолатга чалғиган актёрни кўз олдингизга келтириб кўринг. Унинг ҳаёли бўлинади, образ бир четда қолиб, ўз «мен»ига ўтиб олади.

— Шундай мухлислар борки, уларнинг ўзини тутишини кўриб, ҳавасингиз келади, — дейди Муқимий номидаги мусиқали драма театри директори ўринбосари Хайрулла Иноғомов. — Спектакль бошланишидан аввал томошабинларга мурожаат қилиниб, мобил телефонларини ўчириб қўйиши, ўзаро гаплашмаслиги сўралади. Аммо беш қўл баробар бўлмагани каби бу талабга беписанд қарайдиган-

лар ҳам топилади. Ахир, театр жонли саҳна. Спектаклни саҳнага олиб чиқиш учун оилаб репетиция қиламиз, тер тўкамиз. Афсуски, бу баъзи томошабинларнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Яқинда бир жувон ҳали ёшга тўлмаган боласи билан томошага келибди. Олд ўриндиклардан жой олган экан. Биз унга залнинг орқароғида ўтиришини маслаҳат бердик. Спектакль бошланишида дирижёр жамоасининг мусиқа асбобларини баланд овозда чалиши болани чўчитади. Қолаверса, инжиқлик қилган бола актёрларга ҳам, мухлисларга ҳам ноқулайлик туғдиришини айтдик. Аммо у таклифимизни рад этди. Оқибат кутганимиздай бўлди... Айримлар спектаклга 5–10 дақиқа кечикиб келади. Очигини айтганда, мавжуд қоидаларга кўра, ёш болаларни, кечикадиган кишиларни спектаклга киритмаслигимиз керак. Аммо биз улар манфаатини кўзлайимиз, ҳар ҳолда, чипта харид қилишган.

Ўзбекистон — улкан маданий ва маънавий бойликлар юрти. Аммо бой ўтмишимизга ёшларнинг муносабати қандай? Уларда томошабинлик маданияти, мухлислик этикаси етарлича шаклланганми? Агар тенгдошларимиз театр ва кино залларида дидига, руҳиятига сайқал бермаса, турли маънавий таҳдидлар, «оммавий маданият» иллатларига қарши курашиш учун «маънавий зирх»ни қаердан олади? Маданият масканларида ўрнатилган қоидаларга амал қилмаган лоқайд кимсалардан ҳеч қим иншо ёзиб беришни сўрамас, қундалигига «қониқарсиз» баҳо ҳам кўймас. Бироқ оилада ота-оналар, таълим муассасаларида устоз-мураббийлар, жамоатчилик вакиллари ёшларга ҳар томонлама ўрнак бўлиб, уларни санъатга ва маданият бойликларига муҳаббат, саҳнага ҳурмат руҳида тарбиялаши лозим. Бу — замон талаби.

Сардор МУСТАФОЕВ,
ЎзДЖТУ талабаси

2017-yil 15-noyabr, № 91 (9052)

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ўзбекистонлик бир гуруҳ журналистларнинг Хитойга ижодий сафари уюштирилди.

Гуруҳ таркиби «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов, «Зарафшон» — «Вести Самарканда» газеталари бош муҳаррири Фармон Тошев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раиси Муҳаммадjon Обидов, Марғилон педагогика коллежи ўқитувачиси Нозима Тошматова ҳамда камина билан беш кишидан иборат эди.

Аэропортда «Huawei» компаниясининг жамоатчилик билан ишлаш (PR) бўйича катта менежери Дун Айбо билан учрашдик. У бизни Шэньчжэн шаҳрига кузатиб боришини айтди. Орамизда Муҳаммадjon Обидов Хитой Халқ Республикасида бир неча марта бўлган. Муҳаммадjon ака сал олдин бизни сафар дастури билан таништирганди. Унга кўра, бир ҳафта давомида Хитойнинг Пекин, Шэньчжэн ва Харбин шаҳарларида бўлар эканмиз.

Самолёт кечикиб бўлса-да, етиб келди ва йўловчилар бирин-кетин чиқишди. Кўп ўтмай, «Хитой ҳаво йўллари»га қарашли «Боинг-737» ҳаво лайнери Чин юрти сари парвозини бошлади...

Чин диёри сарҳадлари бўйлаб ёхуд тасаввурни ўзгартирган таассурот

Самолётда учини унчалик хуш кўрмайман. Безовталигимни кўриб, Нозимахон «Кўрқасизми?» дея чалғитишга ҳаракат қилди. Унинг овози сокин ва хотиржам эди. Ёш бўлишига қарамай, ҳаётнинг ўзига яраша синовларида синишта бўлган бу аёлнинг ҳикояларини бажонидил тинглайман. Аввалига у гапирди, кейин мен, қарасам, уни ҳам уйқу элитаяпти. Халақит бергим келмади. Чунки бундай узоқ йўлни «тез» ортада қолдиришнинг энг яхши усули — ушлаш. Ахир оз эмас, кўп эмас — 6 соатлик йўл турибди олдимизда...

...Нихот, тонг ёриша бошлаганда микрофондан самолёт 40 дақиқадан кейин Пекин аэропортига қўниши эълон қилинди.

Соат 6:30 да Пекин халқаро аэропортига қўндик. Аэропорт худуди шунчалик катта эдики, самолёт белгиланган жойга келиб тўхтагунча ярим соат ўтди. Олти соатлик учиб давомида мижжа қоқмаганим учун бошим оғир. Аэропортга киргач, Шэньчжэн самолётига олиб борадиган терминалга шошилдик. Чунки соат 8:30 да Шэньчжэнга учинишимиз керак. Яна уч соатдан зиёдроқ парвоз қиламиз.

Шэньчжэн — Хитой Халқ Республикасининг жанубида, Гуандун провинциясининг Гонконг билан chegaradosи худудида жойлашган марказий шаҳарлардан бири. Унга 1979 йилда асос солинган. Хитой тилида — «shenzhen», яъни Шэньчжэн сўзи ўзбекча «чуқур чегара» деган маънони аналтади. Шаҳар аҳолиси 10 миллиондан зиёд. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотига кўра, Шэньчжэн аҳоли сонининг ўсиши бўйича дунё шаҳарлари орасида дастлабки бешталикка кириди.

Кенг қўламда хорижий ва маҳаллий инвестициялар киритилгани тўғрисида шаҳар жуда қисқа вақт ичида мислиси даражада ривожланиб, фақат Марварид дарёсининг денгиз билан туташувчи қисмининг эмас, балки бутун мамлакатнинг йирик иқтисодий, молиявий, транспорт ва санаят марказига айланди.

...Шэньчжэн аэропортида бизни ўрта бўйли, нозиккина хитойлик қиз кўтиб олди. У «Huawei» компанияси ходими бўлиб, йилди кун давомида йўлбошловчимиз бўлди. Пекин университетининг рус тили ва адабиёти факультетини тамомлаган бу ҳамроҳимиз билан рус тилида гаплашдик. Ҳазини таништириб: «Исми русчасига Анастасия бўлади», деди. Биз эса янада қисқартириб, уни Настя деб атадик.

9 соатдан ортиқ учиб, «Йўл азоби — гўр азоби» дегани ростлигига яна бир бор амин бўлдим — жуда тояқимди. Аммо саёҳат, қизиқувчанлик чарқоқдан устун келди. Барча қўлайликларга эга микроавтобусга ўтириб шаҳар томон йўл олдик.

Денгиз бўйида жойлашган Шэньчжэнда намлик юқори, бунинг устига ҳаво дим. Шаҳарга тахминан ярим соат йўл юрдик. Шаҳар кўчаларининг икки тарафи ям-яшил манзарали дараклар, анвоий гуллар билан безан-

ган. Уларга турли шакллар берилгани шаҳарда ландшафт дизайни ривожланганини кўрсатиб турибди. Осмонлар бинолар хайратни оширади.

Микроавтобус шаҳар марказида жойлашган беш юлдузли Павильон меҳмонхонаси олдида тўхтади. Ичкарига киришимиз билан бизга ажратилган хоналар карточкалари берилди. Ярим соатда юқларимизни жойлаб, ўзимизни тартибга келтириб олдик. Кейин ярим соатлик тушликка улгуриб, «Huawei» компаниясига экскурсия қилишимиз ва соат 16.00 да компания вице-президенти билан учрашимиз керак.

Шундай қилиб, Шэньчжэндаги дастлабки расмий таширишимиз мазкур компанияга саёҳатдан бошланди. Компания бош биносида бозор ва савдони қўллаб-қувватлаш департаменти ходими Илья Бровашов билан кўришдик. У бизни кўргазмалар залига бошлади.

Кенг ва ёруғ зал компания ташкил топганидан то ҳозиргача эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар билан жиҳозланган. Кираверишдаги катта деворда компания патентлари намуналари ўрин олган.

«Huawei» асосан технологиялар бозорида эҳтиёжларни ўрганади, харидорларни инновацион лойиҳа ва ишланмаларни тақдим этади, телекоммуникация тармоқлари, терминал лойиҳалари ва «булутли» технологияларга асосланган ҳисоб-китоб тизимлари орқали хизмат кўрсатади.

Компаниянинг нима учун «Huawei» («ua-wei» деб ўқилади) деб номланиши кўпчилик учун қизиқ. Бу «Hua», яъни Хитой, «Wei» — ютуқ сўзини англатувчи иероглифлар бўлиб, «Хитой ютуғи» маъносини беради. Шунингдек, яна бир талқинда «аъло ҳаракат» деган маънони ҳам билдиради. Бу номни 1987 йили компания асосчиси Жэнь Чжэнфэй ўйлаб топган экан.

Бугун дунёда тан олинган энг қimmat брендларга эга компаниялар рўйхатидан мустаҳкам жой олган «Huawei» 1987 йилда илк фароиятини 21000 юан (тахминан 5680 доллар) билан бошлаган. Дастлаб компания автоматлаштирилган телефон станциялари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарган, кейинроқ тармоқли бирлашув, сифатли алоқа назорати, бошқарув хизматлари, логистика ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига тааллуқли технологиялар билан хизмат кўрсата бошлади.

Этиборимизни тортган дарахт шаклидаги экспонатда компаниянинг ҳамкорлик алоқалари шажараси акс этган. Ҳатто вақт мобайнида дунёнинг 170 мамлакатида компаниянинг офис, завод ва лабораториялари очилди. Ҳозирги пайтда «Huawei» компаниясида 170 мингга яқин ходим ишлайди. Биз ташириф буюрган Шэньчжэндаги бош офиснинг ўзида тахминан қирқ мингдан зиёд ишчи бор экан.

Кўргазмага қўйилган ҳар бир ускуна ёнидаги мониторда ускунанинг ишлашига оид лавҳалар намойиш этилади. Шундай бўлса-да, Илья Бровашовга

ўзимизни қизиқтирган саволларни бердик. Компания вице-президенти билан учрашув вақти яқинлашиб қолганди. Шу боис эсдалик учун гуруҳимиз билан суратга тўшдик-да, кўргазмалар залини тарк этдик.

«Huawei» компаниясининг учрашувлар залига кирдик. Компаниянинг ташқи алоқалар бўлими вице-президенти Волтер Женнингс бизни узоқ куттирмади. У компаниянинг фаолияти ҳақида инглиз тилида гапириб берди. Компаниянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходими Дун Айбо рус тилига таржима қилиб турди.

Тақдиротдан кейин савол-жавоб бошланди. Бундан 30 йил аввал, яъни 1987 йили жаноб Жэнь Чжэнфэй атиги 5680 доллар жамғарма билан иш бош-

Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга қилган давлат таширифи гўят самарали бўлди ва имзоланган ҳамкорлик шартномаларининг бири «Huawei» компанияси билан экани бизда фахр уйғотибди, — дея сўзида давом этди вице-президент. — Ҳали биргаликда янада юксакроқ марраларни эгаллаймиз. Биз Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб-қувватлаймиз ва уларни амалга оширишга ҳисса қўшишдан бахтиёрмиз.

Кечки овқатгача ҳали бироз вақт борлиги учун Настя бизни «Huawei» компанияси бош офиси худудидаги сунъий қўлга олиб борди. Ёмғирдан кейин ҳаво мусаффо, дов-дарактлар худди ювилгандай топ-тоза. Сокин қўл бўйида сайр қилдик. Сув юзида очилган нилуфаргуллар намозимда янада сирли, янада чирой-



(Йўл очерки)

лаганию, 2016 йилда компания 75,6 миллиард долларлик товар айланимасига эришганини билиб олдик. Ақл бовар қилмас юксалиш!

— Биз учун чегараланган иш вақти, деган тушунчанинг ўзи йўқ, — дейди вице-президент. — Куну тун иш жараёнида бўламиз, иш ҳақида ўйлаймиз. Ишонинг, айрим лойиҳалар муҳокама-си хатто тушларимизга кириб чиқади. Компанияда каттаю кичик ҳамма фидойи одамлар. Нега? Чунки компания иқтисодий раванки, даромади, нуфузидан барча бирдек манфаатдор. Компания аъзоси, у ишчиси, муҳандисми, бошқарувчиси, қайси лавозимда бўлмасин, ақциялар улар орасида тақсимланган. Жэнь Чжэнфэй ўзида атиги 1,4 фоиз ақция қўллаган, холос.

— 1999 йилдан бошлаб Ўзбекистон алоқа ва телекоммуникация бозорига кириб келдик. «Юнител», «Билайн», «Ўзмобиайл» бизнинг лойиҳалар асосида ишлади, — дея давом этди Волтер. — Ҳозир юртингиздаги бўлинмамизда 300 дан зиёд мутахассис бор, уларнинг 75 фоизи маҳаллий ёшлар. Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети билан ҳамкорлик қиламиз. Сўнгги йилларда мазкур ўқув юртининг 200 дан зиёд талаба ва мутахассиси «Huawei» компаниясида малака оширди. Бу йилдан бошлаб унинг қаторига Инфа университети ҳам қўшилди. Энди бу университетда тахсил оладиган талабалар Хитойда амалиёт ўтайдилар. Шунингдек, мамлакатингизда стол тенниси ва бокс федерациялари билан ҳам ҳамкорлик ўрнатганмиз. Ҳозир эса «Ўзбектелеком» билан ҳамкорликда катта сизимга эга электрон ахборот банкни, Халқ таълими вазирлиги билан электрон таълим тизimini яратмоқдамиз. «Трансгаз» тармоғига «SCADA Telecom» лойиҳасини тақдим қилдик.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, биргина 2016 йилда компания томонидан 130 миллион дон «Huawei» бренди билан смартфонлар сотилган. Дунёнинг 16 мамлакатида йирик илмий марказлар ташкил этилган бўлиб, улар махсуслотларни такомиллаштириш, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш устида ишланади. Компания ҳар йили даромадининг 10–15 фоизини ана шу илмий марказларга сарфлайди. Вице-президентнинг айтишича, 2016 йилда компаниянинг даромади 7,5 миллиард долларни ташкил этди.

— Ўзбекистон Президенти жаноб

ли. Дарвоқе, бу кўлда қора қушлар ҳам сайр этарди. Қора қушни биринчи марта шу ерда кўрдим.

Кечкурун Шэньчжэн амфитеатр майдони кафтедек кўриниб турадиган ресторанда овқатландик. Жўшқин мусиқа садолари ва унга мос ҳаракатланаётган фавворалар, ранг-баранг чироклар ёғду-сида атроф янада чиройли кўринарди. Айниқса, бу манзарамга мушқабозликнинг қўшилиши ҳайратимизни оширди.

Нонуштадан сўнг ҳаммамиз меҳмонхона кираверлишига йиғилдик. Настя аллақанда овқатландик. Жўшқин мусиқа садолари ва унга мос ҳаракатланаётган фавворалар, ранг-баранг чироклар ёғду-сида атроф янада чиройли кўринарди. Айниқса, бу манзарамга мушқабозликнинг қўшилиши ҳайратимизни оширди.

Бу компания тасарруфиди 10 та газета, 5 та журнал ва 10 та интернет сайти ҳамда наشريёт-матбаа ўйи мавжуд бўлиб, таҳририятларда 1500 нафар ижодий ходим ишлайди. Компания музейини айландик. Лавҳаларда шаҳар матбуотининг пайдо бўлиши, ривожланиши, шаҳар ҳаёти билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларнинг маҳаллий ОАВда ёритилиши жараёнлари акс этган. Шунингдек, шаҳарда чоп этилган «Шэньчжэн иқтисодий газетаси», «Шэньчжэн Daily» газеталарининг илк сонлари билан танишдик. Ҳатто янги йиллар давомида медиа компанияга ташириф буюрган жамоат арбоблари билан боғлиқ фотосуратлар ушбу компаниянинг шаҳар ижтимоий-сиёсий ҳаётида қанчалик ўрин тутганини яққол кўрсатиб турарди. Бундан ташқари, мазкур бинода Шэньчжэн электрон ОАВнинг «Media Group» бирлашмаси ҳам жойлашган бўлиб, унинг таркибида 11 та телеканал, 4 та радиостанция ва киностудия мавжуд.

Музейни айлангач, маҳлислар залига ўтдик. Бу ерда компания раҳбарлари билан учрашув режалаштирилганди. Инглизча ёзиб қўйилган исм-фамилия-ми тўғрисидаги курсорларга ўтирдик. Аввалига ўзимизни таништирдик. Кейин ҳар икки томон ҳам ўз таҳририятлари ҳусусида қисқача маълумот берди.

Назира КҮРБОН

(Давоми бор.)

2017-yil 15-noyabr, № 91 (9052)

**КАТАРАКТАДАН СУПЕРКЎРИШ
ҚОБИЛИЯТИГАЧА**

Канададаги «OcuMetrics Technology Corporation» ишлаб чиқариш компаниясининг бир гуруҳ олимлари юқори кўриш қобилияти билан таъминланган ноёб бионик кристалл линзаларни синовдан ўтказди. Бу ҳақидаги мақола «BigThink» манбасида эълон қилинди.

Гап шундаки, ушбу линза стандарт катаракта операцияси вақтида бемор кўзига ўрнатилиб, кўз мушакларидаги юкни юз карра енгиллаштиради. Натижада инсон кўзи билан кўролмайдиган ёки йўналтирилаётган объектга диққат қаратишдан чарчамайди.

Бироқ мазкур ишланма дальтонизм ва муғуз парда хиралашишини даволай олмайди, чунки у кўз асаб толаларини қайта тиклашга қодир эмас. Шу билан бирга, у дори воситаларининг беморга самарали таъсир кўрсатишига ҳам ёрдам беради.

Бу борада 40 йилдан зиёдроқ малакага эга доктор Гарз Веббинг сўзларига кўра, тажриба-синовдан муваффақиятли ўтгани боис бу восита келгусида нафақат йўқотилган қувватни тиклаш, балки нормал кўриш қобилиятини кучайтиришга хизмат қилади.



йилга бориб 73–88 фоизга қисқариши мумкин.

Тадқиқотчилар гуруҳи қасдлаб қаҳва плантациялари ва асалариларнинг яшаш шароитларига боғлиқ кейинги 50 йилликда қузатилиши мумкин бўлган жиҳатларни ўрганди. Ҳисоб-китобларга кўра, иқлим ўзгаришидан энг кўп зиён асалариларга эмас, балки Жанубий Американинг тоғли худудларидаги дарахтларга етар экан.

Тўғри, чанглатувчилар ҳозир қаҳва ўсадиган жойлардан бутунлай йўқолиб кетмай, бошқа минтақаларга учиб ўтиши мумкин. Бироқ айни жараёндан тоғли ва тропик худудларда жойлашган мамлакатлар, жумладан, Никарагуа, Гондурас, Венесуэла, Мексика, Колумбия, Коста-Рика кўпроқ зарар кўради.

Глобал ишнинг афзаллиги ҳам бор. Хусусан, қаҳва етиштирилаётган бошқа худудларда ҳосилдорлик 20 кўпайиши сабаб бўлади.

фоизгача ошади. Бунга ёгингарчилик, ҳарорат кўтарилиб, асаларилар турининг кўпайиши сабаб бўлади.

**МИЯ ФАОЛИЯТИНИ
ЯХШИЛАЙДИГАН МЕВА**

АҚШнинг Рединг университети олимлари мия фаолиятининг қисқа муддатли фаоллашувига эришиш учун болалар имтиҳондан олдин ёввойи мерсина (черника) мевасини ейиши ёки ундан тайёрланган шарбатни ичиши керак, деган фикрда. Тадқиқот натижалари «Telegraph» нашрида эълон қилинди.

Тадқиқотчилар мактаб ўқувчиларидан компьютер экрандаги стрелкаларнинг қай томонга оғишини мунтазам кузатиши ва уларнинг йўналишига мос келадиган турмачаларни вақти-вақти билан босишни сўради. Тажрибадан олдин ёввойи мерсина шарбатини истеъмол қилган ўқувчилар берилган вазифани бoshqalarga қараганда 10 фоиз аниқ ва тезроқ бажарди.

— Биз биринчи марта флавоноид(мева таркибидagi ўсимликларга оид полифеноллар боланинг ақлий қобилиятига ижобий таъсир этишига гувоҳ бўлдик, — дейди Рединг университети профессори Клейер Уильямс.

Черника мевасининг фойдали хусусияти аввалдан маълум. Шифобахш мева ўзининг антиоксидант таъсири туфайли халқ табobatiда шамоллашга қарши самарали восита сифатида қўлланилади. Бироқ янги тадқиқотлар мазкур меванинг инсон ақлий салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатишини ҳам исботлади.



Дилшод РЎЗИКУЛОВ ва Одина ҚУЛМУРОВА тайёрлади.

ҚАҲВА ЙЎҚ БЎЛИБ КЕТАДИМИ?

Америкалик олимлар глобал иқлим ўзгаришининг қаҳва дарахтлари ўсиши ва уларни чанглатувчиларга таъсирини ўрганиб, яқин вақтлар ичида қаҳва етиштириш саноати сусайиши мумкинлигини маълум қилди. Тадқиқотга доир мақола «PNAS» журналида босилди.

«Корреспондент.net» манбасида қайд этилишича, Лотин Америкасидаги қаҳва етиштирилаётган деярли барча худудлар дарахтлар ўсиши, муҳим чанглатувчи хашоратларнинг яшashi учун жуда иссиқлик қила бошлайди. Натижада қаҳва етиштиришга яроқли плантациялар майдони 2050



реклама • эълон • реклама

Ташходжаев Рустам Баходирходжаевичнинг 01.04.08 — Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника ихтисослиги бўйича «Уч кластерли коллинеар бўлиниш механизми» мавзусидаги (физика-техника фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси ЎзР ФА Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM/Т.33.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 22 ноябрь куни соат 10:30 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Улугбек шаҳарчаси, Ядро физикаси институти.
Тел/факс: (0-371) 289-31-18, 289-31-41, 289-31-50;
e-mail: info@inp.uz

Умаров Сухроб Рустамовичнинг 08.00.04 — Қишлоқ хўжалиги ихтисодиёти ихтисослиги бўйича «Сув хўжалиги тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги (қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.10.03 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 24 ноябрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй.
Тел/факс: (0-371) 237-19-31, 237-38-79;
e-mail: admin@tiiname.uz

Пўлатов Муҳиддин Эгамбердиевичнинг 08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби, ихтисодий таҳлил ва аудит ихтисослиги бўйича «Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги (ихтисодиёт фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 28 ноябрь куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темури шохкўчаси, 60-А уй.
Тел/факс: (0-371) 234-53-34, 234-46-26;
e-mail: admin@tji.uz

Уразбаев Акмалбек Аминбаевичнинг 06.01.09 — Ўсимликларни ҳимоя қилиш ихтисослиги бўйича «Бугдойни турли экши усулида сўрувчи зараркундаларга қарши ҳимоя тизимини ишлаб чиқиш» мавзусидаги (қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ох.13.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 24 ноябрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети.
Тел/факс: (0-371) 260-48-00;
e-mail: tuag_info@edu.uz

Жўраев Диёр Турдиқуловичнинг 06.01.05 — Селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича «Юмшоқ бугдойнинг республика чўла минтақалари шароитида абиотик омилларга чидамли, ҳосилдор нав ва бошланғич манбаларни яратиш» мавзусидаги (қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ох.13.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 24 ноябрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети.
Тел/факс: (0-371) 260-48-00;
e-mail: tuag_info@edu.uz

Тошкент шаҳар 6-сон клиник шифохонаси маъмурияти шифохонага беморларнинг ётоғи учун металл каркасли, матрас ва штативли кароватлар харид қилинишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Мурожаат учун телефон: (0-371) 292-79-95, 292-83-37.

Тошкент шаҳар халқ таълими ходимлариёи қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти жамоаси институтнинг «Педагогика, психология ва таълим менежменти» кафедраси катта ўқитувчиси, психология фанлари номзоди

Нурулло АЗИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Устозлик заҳмати ва иззати



Ҳақиқий илми танлаган кишининг фазилатлари сабр-тоқат билан изланишда давом этиши ҳамда тадқиқотлари самарасини эл-юрт манфаати ва равнақи йўлида сарф этишида яққол намоён бўлади. Тарих фанлари доктори, профессор Наим Обломуродов умрини илм-маърифатга бағишлаб яшаётган шундай фидойи инсонлар сирасига киради.

Ургут туманида вояга етган тиришқок йигитнинг йиллар ўтиб, йирик олим, раҳбар ва жамоат арбоби сифатида танилиши кўпнинг хаёлига келган эди. Зеро, унинг изланувчанликка йўғрилган ўқувчилик йиллари шундан далolat берарди. Олий таълим муассасасида ўқиган кезлари илмнинг сирли чўққилари сари интилиши янада кучайди. Институтни тамомлагандан сўнг Наим Обломуродов Фанлар академияси тарих институтида катта лаборант бўлиб иш бошлади. Сергайрат, қатъияти ва тиришқок йигит илмий изланишлари билан тез эътибор қозонди.

Олимнинг илмий изланишлари ўтган асрнинг мураккаб тарихий жараёнида халқимизнинг машаққатли меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти, деҳқончилик маданияти, бағрикенглиги ва матонатини очиб беришга қаратилди. Ўзбекистон меҳнаткашларининг иккинчи жаҳон уруши йиллари озод қилинган худудларнинг халқ хўжалигини тиклашдаги хизматини тадқиқ этишга қаратилган номзодлик ҳамда "1971—1990 йилларда Ўзбекистонда аграр ишлаб чиқариш ривожига: таъриба, амалиёт ва муаммолар" мавзусидаги докторлик диссертациялари унинг тадқиқотчилик салоҳияти нечоғлик юқори эканини кўрсатди.

Олимлик — олий рутба

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидеда олтинчи йилдан ортқ самарали илмий-педагогик фаолият кўрсатган мураббий, ўнлаб дарслик ва монографиялар муаллифи, фалсафа фанлари доктори, профессор Анавар Абдусамедов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди.

— Анавар Абдусамедов билан илмий раҳбаримиз бир киши бўлган, — дейди фалсафа фанлари доктори, профессор Иброҳим Каримов. — У Марказий Осиё халқлари ижтимоий-маданий тараққиёти, турмуш тарзи, урф-одатлари, диний тасавурлари ва генезисига оид муҳим масалаларни тадқиқ этишга ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

Устознинг бой билими, серқирра ҳаётий ва иш тажрибаси, раҳбарлик ва ташкилотчилик қobiliяти Солиқ академияси, Бухоро ва Фарғона вилоятларида солиқ коллежларининг ташкил этилишида намоён бўлди. Ушбу таълим муассасаларининг республика миқёсида нуфузли таълим даргоҳларига айланишига ҳам домла муносиб хисса қўшган.

Олимнинг эллиқдан ортқ дарслик, рисола, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалари, маъруза матнлари чоп этилган. Жумладан, "Ўзбекистон тарихи", "Ўзбекистонда солиқлар тарихи" монографияси, "Узлуқсиз солиқ таълими: уни амалга ошириш масалалари", "Маънавият асослари фанидан дарс ўтиш технологиялари", "Солиқ хизмати ходимининг муомала маданияти", "Янги педагогик технологиялар" ўқув қўлланмалари илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳрланган.

Айни пайтда устознинг юзлаб шоғирдлари илм-фан йўлида хизмат қилмоқда. Уларнинг барчаси берган ҳаётий билим ва тажрибаси туфайли домладан миннатдор.

Низомиддин ҲАЙДАРОВ,
Тошкент молия институти
ректору,
иктисод фанлари доктори,
профессор

Олимнинг олий таълим муассасалари учун 6 дарслик ва ўқув қўлланмалари, 18 монография ва рисолалари чоп этилган. Жумладан, «Фан ва дин», «Ижтимоий тараққиёт ва ислом», олий ўқув юрталари талабалари учун «Диншунослик асослари», «Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари», «Динлар фалсафаси», «Маънавиятнинг диний асослари», «Оила маънавияти» сингари қатор услубий қўлланмалари педагоглар учун муҳим манба.

Тадбир якунида талабалар намоийш этган маданий дастур барчага манзур бўлди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Экофестивалнинг шаҳар босқичи ўтказилди

Пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги 25-умумтаълим мактабидеда "Баркамол авлод" республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси билан ҳамкорликда "Болалар ва сув" экофестивалининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди. 11 тумандан саралаб олинган 36 жамоанинг 144 нафар аъзоси тадбирда иштирок этиб, даставвал "Табият — менинг нигоҳимда" расмлар кўргазмасини томоша қилди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти Уктам Хўжаназаров сувнинг инсоният ҳаётида тугган ўрни, ундан фойдаланишнинг самарали

усуллари, айниқса, Орол денгизи қуришининг сабаблари ҳақида сўзлади. Тадбирда олимнинг "ЭКО-САН" фонди мутахассислари билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари учун яратган "Экология ва барқарор ривожланиш" ўқув қўлланмаси тақдироти ўтказилди.

Танловнинг "Энг намунали саҳна кўриниши", "Энг чиройли расм", "Энг фаол жамоа", "Энг билимдон иштирокчи" номинациялари бўйича голиблар аниқланди. Якуний натижага кўра, Сергели туман "Баркамол авлод" болалар маркази жамоаси танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мирқарим МИРСОВУРОВ,
"ЭКОСАН" халқаро жамоат
фонди бўлим бошлиғи

Опера ўта мураккаб, шу билан бирга жуда нозик санъат. Айниқса, бузувчи Фарбоа мусиқа санъати банд ишовқига кўмилаган техник ҳодисага айланаётган бир пайтда опера йўналишидаги ижро билан дунёни қойил қолдириш қийин. Соҳир овоз соҳиби Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Женибек Пиязов юксак даражадаги иқтидори билан бунинг урдасидан чиқибгина қолмай дунёни лол ҳам қолдирди.

Соҳир овоз соҳиби



Женибек билан гурунглашиб, унинг ижросида опера кўшиқларини тинглай туриб, қўшиқда ўзгача куч ва руҳ борлигини яна бир қарра ҳис қиласан киши. Табиатан ҳушқачқак бўлган Женибек билан суҳбатимиз тезда қовушиб кетди.

— Болалик чоғимдан "Майсаранинг иши" операсини, "Тошболта ошиқ" комедиясини, "Икки дил достони" радиоталқинларини такрор-такрор жон қулоғим билан берилиб эшитганман, — дейди у. — Айниқса, "Майсаранинг иши" операсидаги бетакор овоз соҳиби Карим Зокировнинг "Мулладўст" арияси менга ёд бўлиб кетган. Ана шундай буюк санъаткорларга бўлган ҳавас опера йўналишини танлашимга туртки бўлгандир ахтирмоқ. Бироқ санъат, ҳусусан, опера кўшиқчилиги лоқайдликни мутлақ ҳушламайди. Бунинг замирида ниҳоятда машаққатли меҳнат ётади. Микрофонсиз қатор мусиқа жўрлигида қўшиқ қўйлаш ва уни залнинг энг охирига қаторида ўтирганларга ҳам етказиб беришни тасаввур қилинг. Яна матн сўзларини энг банд пардада айтиш керак. Назаримда бу йўсинда қўйлаш учун тинимсиз меҳнатдан ташқари Худо берган туғма овоз ҳам бўлиши керак. Авжли ижрода залворли овоз гоётда муҳим. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Бобом Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти Зийнел Пиязовнинг овози ниҳоятда залворли бўлган. Шунинг учун саҳнада у доим шор, бош сарқарда сингари лавозимдор шахсларнинг родини ижро этган. Менга ҳам бундай салмоқли овоз суюқ суриб, балки бобомдан ўтгандир.

Опера кўшиқчиси Женибек Пиязов нафақат ўзбекистонлик қўшиқ мухлисларининг, балки жаҳон опера шинавандаларининг севимли санъаткорига айланди. У Франция, Испания, Малайзия ва Португалия сингари ўнлаб мамлакатларда бўлиб ўтган фольклор фестивалларида фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллади. Қозоғистон, Россия ва Озарбойжон мамлакатларида ёшлар ўртасидаги халқаро танловларда биринчи мукофот ва Гран-при совринларини қўлга киритди. Шунингдек, 2010 йили Минск шаҳрида ташкил этилган Халқаро мусиқа академиясида маҳорат мактаби устаси сифатида иштироки алоҳида таъкидга лойиқ. Айниқса, унинг 2011—2012 йилларида Германиянинг Мюнхен шаҳрида ўтган опера фестивалларидаги муваффақиятли иштироки Женибек учун яна бир юксалиш пиллапоёси бўлди. Бу фестивалларда у ўзининг соҳир овози ва юксак даражадаги ижро маҳорати билан Европа опера мухлисларини бутунлай мафтун этди. Ушундан уни Европада, қолишга ундашди. Дунёнинг нуфузли опера театрларидан таклифлар тушди. Қўйлаб концерт дастурларида қатнашиши учун шартномалар таклиф қилинди. Ҳатто Германия фуқаролигини олиб, шу ерда яшаб қолишни ҳам илтимос қилишди. Бироқ Женибек баридан воз кечиб, ўз она диё-

рига — Ўзбекистонга талпинди. У ҳақиқий ватан фарзандларига хос йўл тутди. Инсон фақатгина пул-бойлик топиш орқалигина бахтли бўлмаслигини чин юракдан англаб етди. Ана шу қатъий қарор босиб бугун у ўз юртида "Нихол" мукофоти совриндори, "Шухрат" медални нишондори ҳамда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист унвонлари соҳибидир.

Табиатан тиниб-тинчимас, изланувчан, санъатни ҳаётининг мазмуни деб билган бу йигит билан мулоқот чоғида яна шу жиҳатини сездимки, Женибек ниҳоятда вақтни қадрлайди. Назаримда унинг юраги ҳамisha Амударё мавжларидек тўлқинланиб туради. Бу тўлқинлар вақт тоблаган истеъдоднинг асл жавҳари эканини у теран тушунади. Женибек "Истиклол" санъат саройида ўзининг яккахон концертини беришга ҳам улгурди.

— Пойтахтимизнинг "Истиклол" санъат саройида концерт дастурини тайёрлашга киришар эканман, янгича ёндашишга ҳаракат қилдим, — дейди Ж.Пиязов. — Баъзи одамлар тасаввурдаги "Опера концерти зерикари, бақириб айтадиган қўшиқларни эшитгандан қўра, яхшиши уйда ўтирай", деган эски тушунчани ўзгартиришга интилдим. Тўғриси, айрим танишларим, яқинларим, хатто ҳамкасбларим ҳам неғадир концертимга одамларнинг тушишига шубҳа билан қаради. Ахир "Истиклол" санъат саройига 4200 нафар шинавандани йиғиш ва уларни то дастур тугагunchа ушлаб туришининг ўзи бўладими? Лекин таваққал қилдим. Хорижий давлатларда ўзим қўриб гувоҳи бўлган "Опера-шоу" концерт дастурини миллий талқинда тақдим этишга интилдим. Шунингдек, оғир опера кўшиқлари билан чекланмай элимизнинг таниқли артистлари билан бирга дуетлар ижро этдим. Дастур ўрталарида секин залга кириш ташладим. Тингловчиларнинг юз-кўзидаги мамнулик рўҳини кўтариб юборди. Чунки олдимга қўйган мақсадимга эришгандим.

Операмиз юлдузининг таржимаи холига ҳам икки оғиз тўхтамас. Эндигина 29 бағирини қаршилаган Женибек Пиязов 1988 йили Нукус шаҳрида туғилган. Отаси Буркит оға Нукус шаҳридаги 1-мусиқа мактабидеда ёшларга дуртор чапишдан сабоқ беради. Онаси Инжигул опа "Мукаллес" ансамблининг таърибали созандаларидан.

Женибек дастлаб умумий ўрта мактаб ҳамда мусиқа мактабидеда ўқиган. Кейин ўқиниши Нукусдаги маданият ва санъат коллежидеда давом эттирди. Бу ерда кўшиқчилик санъатини анча мукамал ўрганган Женибек маҳоратини янада ошириш учун Ўзбекистон давлат консерваториясига ўқишга кирди. Санъат даргоҳидаги профессор Софе Цой сингари билимдон устозлардан олган сабоғи, Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театрида ўқазган амалиёти Женибек учун янги доволарга йўл очди. Узининг билим ва малакасини янада оширишга интилган опера кўшиқчиси кейинчалик воқал санъати бўйича магистратурда тахсил олди. Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистон давлат консерваториясида "Мусикали театр студияси" опера хонандаси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Женибек Пиязов бугунги кунда жаҳон операсининг ўнлаб энг сара кўшиқларини ижро этиш қатори ўз репертуарини миллий опера кўшиқлари билан ҳам бойитишга интилмоқда. Бу иқтидор эгасининг мақсади аниқ, ниёти улуг. Бу йўлда унга улкан ижодий парвозлар тилаймиз.

Очил ТОХИР

2017-yil 15-noyabr, № 91 (9052)

Umrboy Berdimurodov o'liy ўқув юртини тамомлаб, Гурлан туманидаги 30-мактабга ишга келганида, бу маскан эски бинодан янгисига кўчиб ўтанди. Ёш ўқитувчи янги мактаб спорт залининг бор имкониятларидан фойдаланиб, жисмоний тарбия машғулотларини жонлантирди. Ваҳоланки, мактабда бу фан бўйича мутахассис-ўқитувчи йўқлигидан машғулотлар яхши йўлга қўйилмаган, дуч келган ўқитувчи «дарс ўтиши» натижасида болаларнинг қизиқиши ҳаминқадар эди.

Иштиёқ ва интилиш кучли, аммо...

У.Бердимуродов дастлаб дарсга кирганида синфдаги 26 ўқувчидан атиги 4 нафар спорт формасида турарди. Боиси, мактабда шу пайтгача жисмоний тарбия фанидан дарс берган ўқитувчиларнинг ўзи форма киймасди. Ёш мутахассис аввало ўқувчиларнинг барчаси дарсга спорт формасида қатнашишига эришди. Ўқитувчи ва ўқувчилар кўмагида спорт майдончасини тартибга келтирди. Ўша пайтлари ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари сифати ҳаминқадар бўлиб, мактабга етиб келгунича, урилиб-сурилиб, баъзан ярқисиз ҳолга келиб қоларди. Фидойи мураббий улардан меҳр билан, асраб-авайлаб фойдаланишни ўқувчилардан талаб қилди.

Туман марказидаги спорт жихозлари дўконидан зарур нарсаларнинг аксариятини топиб бўлмасди. Шу боис у дарслар янада қизиқарли бўлиши учун баъзи анжомларни ҳатто кўшни вилоятлардан олиб келди. Устози билан айрим ўқувчилар бирга боришар, баҳонада велосипедда 20 километрлаб йўл босиб, ҳам пойга ўйнардди, ҳам вело-спорт турига янада ошофта бўларди.

Юртимиз мустақил бўлгач, Уmrбой муаллимнинг меҳнатлари самара бера бошлади. Шогирдлари туман, вилоят мусобақаларида ғолиблик шохсупасига кўтарилди. 1993 йили Наримон Эшмуродов юнон-рум кураши бўйича вилоят чемпиони бўлди. Фарғонада ўтган республика беллашувида эса 4-ўринни эгаллади. Бу муваффақият бошқа ўқувчиларда ҳавас уйғотди, ўзига бўлган ишончини оширди. Мураббий «Чемпионлар осмондан тушмайди, сизга ўхшаган оддий ўқувчилар ҳам мамлакат чемпиони бўлиши мумкин», дея уларни руҳлантирди.

Айниқса, мамлакатимизда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг йўлга қўйилиши спортсевар ўқувчиларни янги марралар сари илҳомлантирди. Улар ўз қобилиятини ушбу мусобақаларда синаб кўрди. Анвар Ортиқовнинг белбоғли кураш бўйича вилоят чемпиони бўлиб, республика босқичига йўл олгани ўқувчилар орасида анча шов-шув бўлди. Бунинг натижасида фақат ўғил болалар эмас, қизлар ҳам беллашувларга астойдил киришди. Кишлоқ кизлари бу борадаги дастлабки зафарга енгил атлетика бўйича эришди. Хусусан, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг вилоят босқичида ғолиб бўлган Барно Алламова айна мактабдан етишиб чиққан илк моҳир спортчи киздир. Шундан сўнг, унинг изидан Зебо Каримова, Муҳайё Ҳуробтёва каби иқтидорли ёшлар етишиб чиқа бошлади ва «Баҳор маликалари», «Умид ниҳоллари» каби мусобақаларда мамлакат чемпиони деган шарафга эришди.

Шу тариха чекка ҳудуддаги қишлоқдан чиқаётган спортчилар республика биринчиликларида вилоят шарафини ҳимоя қила бошлади. Жумладан, енгил атлетика бўйича Санъат Ортиқов Сирдарёда бўлиб ўтган республика беллашувида диплом, Сирожбек Йўлдошев Жиззаҳда югуриш бўйича бронза медал, Нурбек Аминбоев 1500 метрга югуришда Бухоро шаҳрида қумуш медалга сазовор бўлди. Лайло Давлатёрова Тўсиқлар оша югуришда республикада 1-ўринни эгаллаб, спорт усталигига номзодлик талабини бажарди.

— Мактабимиз спортчилари 2002 йилдан бери бирор-бир вилоят мусобақаларидан совринсиз қайтган эмас, — дейди У.Бердимуродов. — Терма жамоалар ўртасида эса жамоамиз вилоятда 2-ўринни эгаллаб турибди. Шу ўринда битта муаммони айтиб ўтай. Ана шу рейтингда умумжамоа ҳисобида 1-ўринда турган Шовот тумани мактаб ўқувчилари Урганч олимпия захиралари коллежи ва бошқа спортга ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг терма жамоалари сафига қўшилган. Улар барча қўлайликларга эга шароитда кучли мураббийлар қўли остида мунтазам шугулланади. Мусобақаларда эса Шовот тумани мактаблари номидан қатнашиб, ғолибликни осонгина қўлга киритмоқда. Агар ҳамма ўз ўрнида туриб мусобақаларда иштирок этса, ҳудудлардаги мавжуд имконият ва шароит дарров маълум бўлиб қолади.

- Гап шундаки, қишлоқлар
- туғул туман марказида ҳам
- замонавий спорт иншооти
- йўқ. Гурлан шаҳарчасида
- ги БЎСМ бинноси эскириб
- қолган. У ерда спорт билан шугулланишнинг деярли имкони йўқ. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ҳатто спорт майдончаси ҳам йўқлигидан туман миқёсидаги мусобақалар бирор мактабнинг спорт залида ўтказилади. Аниқроғи, қайси мактабда туман миқёсидаги мусобақа ўтказилаётган бўлса, шу кунги ўша мактаб ўқувчилари спорт залида жисмоний тарбия фанидан дарсга киритилмайди.

Ўзбекистонимиз шарафини халқаро ареналарда ҳимоя қилишни, чемпион бўлишни орзу қилган қишлоқ ўқувчилари эса ўз ниятини рўёбга чиқариш учун вилоят марказига боришига тўғри келади. Вилоят маркази эса қишлоқдан салкам 60 км узоқда.

Мактаб спорт зали 1989 йилда қурилган бўлиб, инсоф билан айтсак, ўша даврда қад ростилаган шундай иншоотлар ичидан энг сифатлиси эди. Бир неча йил ўтгач поли тешилиб, спорт зали тоmidан чакка ўта бошлади. Инвестиция дастури асоси-

да капитал таъмирлангач, яна қаторга қўшилди. Аммо спорт жихозлари масаласида ҳали хануз етишмовчилик мавжуд. Шогирдлари спортдан «со'виб» қолмаслиги учун айрим спорт жихозлари, масалан, байроқча ва тўсиқларни Уmrбой муаллим ўз ҳисобидан олиб келган. У об-

хаво шароитига қараб, имкон қадар спорт залини асраш мақсадида киш кунлари спорт залида, илиқ кунларда спорт майдончасида машғул олиб бормоқда.

— Ўзбек ва рус тилларида чиққан методик қўлланмаларни йиғаман, — дейди У.Бердимуродов. — Ушбу китоблардан фойдаланишда асосан ўқувчиларнинг ёши ва маҳаллий шароитни ҳисобга оламан. Уларни бошланғич синфдан бошлаб спортга қизиқтиришда «Оқ суяк», «Кўзбўйлагич», «Чиллак», «Қочармон» каби халқ ўйинларини ўйратиш, маҳоратини ошираман.

Қишлоқ жойида қиз боланинг спортчи бўлишига ҳамма ота-она ҳам бирдек розилик билдиравермайди. Бу масалада қарҳамонимиз ҳам дастлаб қийинликларга дуч келди. Айрим иқтидорли ўқувчи-қизларнинг уйига бориб, ота-онаси билан юзма-юз суҳбатлашди. Баъзиларини спорт мусобақаларига, тақдирлаш маросимларига таклиф қилиб, бироз бўлса-да фикрини ижобий томонга ўзгартиришга интилди. Шу тариха спорт тўғрқларида қизлар сафи ҳам кенгайди, улар орасидан аста-секин чемпионлар чиқа бошлади.

Уmrбой муаллим билан учрашиб, суҳбатлашиш учун хонасига кирганимизда, у шогирдлари билан яқинда ўтказилган беллашувда йўл қўйилган хатолар ва навбатдаги мусобақаларга тайёргарлик борасида маслаҳатлашаётган экан. Фурсаддан фойдаланиб, енгил атлетика бўйича вилоят мусобақаси ғолиблари Сарвар Зарипов (9-«Д» синф), Қувондиқ Уmrбоев (10-«А»), Жамол Холимматов (10-«Б»), Санжар Фарҳодов (10-«Б») ва бошқаларга «Республика чемпиони бўлишингиз учун сизларга нима етишмаяпти?» дея савол бердик.

Улардан деярли бир хил мазмундаги жавобни эшитдик. Жумладан, мактабда яратилган шароит яхши, аммо республика ғолиблигига даъвогарлик қилиш учун етарли даражада эмас. Мактаб спорт майдончасида машқ қилиб юрган ўқувчининг нуфузли спорт ареналарининг салобати босади, ҳажжонни енгизи қийин бўлади. Шундай экан, машқларни катта ва кенг майдонларда олиб бориш керак. Шунингдек, кучли спортчи ва жамоалар билан ўртоқлик учрашувларини кўпроқ ўтказиш лозим. Бу тажриба тўплашда, кучли рақобат муҳити ҳосил қилишда катта аҳамиятга эга.

Ўйлаймизки, 3 йилда бир мартаба ўтказиладиган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг финал босқичида муносиб иштирок этиб келаётган иқтидорли спортчи ўқувчиларга бой бу масканда ажайиб шароитлар яратилади ҳамда ютуқлар салмоғи янада ошиб бораверади.

Маҳмуд РАҲАБОВ,
«Ma'rifat» мухбири



ИТАЛИЯ «ЎЙИН»ДАН ЧИҚДИ

Швейцария ва Хорватия терма жамоалари ортидан Швеция ҳам футбол бўйича жаҳон чемпионатиغا йўлланма олди, дея хабар берди «Лента» нашри.



Эттиборлиси, Златан Иброҳимовичсиз ўйнаётган шведлар икки ўйин натижаси (1:0, 0:0)га кўра, Италия терма жамоасини мундаил лицензиясидан маҳрум қилди. «Скуадра адзурра» сўнгги бор 1958 йилги жаҳон чемпионатида чиқолмаган экан.

Стокгольмда кечган илк учрашувни кичик ҳисобда бой берган италияликлар Миландаги «Сан-Сиро» ўйингоҳида шведлар дарвозаси томон йўл тополмади. Кеча тунда Ирландия ва Дания терма жамоалари ўртасида жавоб ўйини ўтказилди.

Эслатиб ўтамиз, «ЖЧ — 2018» баҳслари 14 июндан 15 июлга қадар Россияда ўтказилади. Шу йилнинг 1 декабрида Москвада финал босқичига қуръа ташланади.

ТАЙСОН РИНГА ҚАЙТМОҚДА

Оғир вазн тоифасида Жаҳон бокс ташкилоти (WBO), Жаҳон бокс ассоциацияси (WBA) ва Халқаро бокс федерацияси (IBF) чемпиони камарларининг собиқ эгаси, британиялик Тайсон Фьюри рингга қайтмоқда.

«BoxingScene.com»да келтирилишича, у дастлабки жангини келаси йилнинг апрель ойида ўтказиши мумкин. Бу ҳақида унинг мураббийи Питер Фьюри хабар берган. Питернинг айтишича, Тайсоннинг дастлабки рақибни Энтони Жошуа бўлади. «Мазкур мушталашуви фақат мўлисларгина эмас, Тайсоннинг ўзи ҳам астойдил хоҳляпти», дейди мураббий ўз интервьюсида.

29 ёшли Т.Фьюри ҳозирча 25 жанг ўтказиб, барчасида ғалаба қозонган. 28 яшар Энтони ҳам ҳали мағлубиятга учрамаган — 20 та жанг, 20 та ғалаба ва барчасида рақибларини нокаутга учратган.

МЕҲМОНЛАРНИНГ 18-ЙУТУГИ

Беларусь пойтахти Минск шаҳрида теннис бўйича ўтказилган Федерация кубоғида АҚШ терма жамоаси мезбонларни 3:2 ҳисобида енггани тўғрисида «ТАСС» да ёзилди.


Нуфузли мусобақанинг ҳал қилувчи учрашувларида Шелби Рожерс ва Коко Вандевеге жуфтлиги Арина Соболенко ва Александра Сасновичга қарши қортга чиқди. Мурасасиз қурашларга бой бўлган баҳсда 6:3, 7:6 (7:3) ҳисобида океан-орти жамоаси зафар кўчди.

Ушбу ютуқ эвазига АҚШ терма жамоаси Халқаро теннис федерациясини рейтингда 2-ўринга кўтарилди.

Хотин-қизлар жамоаси ўртасида жаҳон чемпионати мақомига эга мазкур мусобақа 1963 йилдан буён ўтказилади. Америкаликлар унда 18 марта ғолиб бўлган.

ФЕТТЕЛЬ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

«Формула-1» таснифидаги автомобиллар иштирокидаги жаҳон чемпионатининг навбатдаги босқичида немис пойгачиси Себастьян Феттель маррага биринчи бўлиб етиб келди.



«ТАСС»да қайд этилишича, Бразилия Гран-присида «Феррари» жамоаси етакчиси барча рақибларини ортда қолдириб, мусобақа ғолиби бўлди.

Бу борада иккинчи ўрин «Мерседес»нинг финляндиялик вакили Валттери Боттасга, учинчи ўрин эса унинг «Феррари» жамоасидаги ҳамюрти Кими Райкконенга nasib қилди.

Мазкур чемпионатнинг мутлақ ғолиби, «Мерседес» етакчиси Льюис Хэмилтон эса бу сафар 4-ўринда қолиб кетди.

Навбатдаги баҳслар 24 — 26 ноябрда Абу-Дабида ўтказилади.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

